Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАҒАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 241 (20. 808) • 1990 йил 21 октябрь, якшанба • Баҳоси 3 тийин.

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ ИСПАНИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

ССЖИ Президенти М. С. Горбачев Испания қироли Хуан Карлос 1 нинг таклифига биноан 1990 йилнинг 26 октябрида Испанияга расмий ташриф буюриб, у ерда 28 октябргача бўлади.

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

М. С. Горбачевнинг ССЖИ Олий Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқи

Ҳурматли депутат ўртоқлар!

ССЖИ Олий Кенгашининг топшириғига мувофиқ «Халқ хўжалигини барқарорлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий йўналишлари» сизларга тақдим этилди.

Қийин изланишлар жараёни ниҳоясига етмоқда. Бугун биз ягона йўлни танлаб олишимиз керак. Бу масалани ҳал қилишни ортиқ пайсалга сола олмаймиз. Ушбу ҳужжатнинг энг муҳим йўналишлари, умумий мантиқи сентябрь ойида мен сизларга тақдим этган дастурдагига ўхшашдир. Шу билан бирга бунда ССЖИ Олий Кенгаши комитетлари ва комиссияларининг, халқ депутатларининг мулоҳазалари имкони борича ҳисобга олинган.

Иттифоқдош ва мухтор жумҳуриятлар тақдим этган мулоҳазалар, жумҳуриятлар Олий Кенгашларида бўлиб ўтган муҳокамаларнинг якунлари, матбуот материаллари пухта ўрганиб чиқилди. Сўнгги вақтда ишчилар ва деҳқонлар, маданият арбоблари, хўжалик, партия ва касаба уюшмалари ходимлари билан ўтказилган учрашувларнинг натижалари ҳисобга олинди.

Ҳужжат жумҳуриятлар Президентлари ва Олий Кенгашларининг раислари, Москва шаҳар Совети ва Ленинград шаҳар Совети раислари билан муҳокама қилинганидан сўнг жиддий равишда қайта ишланди. Асосий йўналишларни тайёрлаш чоғида сўнгги даврдаги янги ҳодисалар ва жараёнларни ҳам ҳисобга олишга тўғри келди.

Кўпмиллатли давлатимизда амалга оширилаётган қайта қуриш, чуқур ўзгартишлар ютуқларининг ифодаси бўлган иттифоқдош жумҳуриятлар Олий Кенгашларининг декларациялари ҳокимиятнинг барча даражаларида қонунчилик фаолиятига қудратли туртки бўлди. Бироқ умуман ижобий ҳисобланган бу жараёнда камчиликлар бўлмай қолмади ва бундай камчиликлар ҳозир ҳам бўлмоқда. Бу аввало ижроия ҳокимияти фаолиятига тааллуқлидир.

(Давоми иккинчи бетда).

ПАХТАНОМА

МАРРАДАН ЎЗГАНЛАР

СИРДАРЁ

● **МЕҲНАТОБОД районн пахтакорлари социалистик мажбурият ҳисобига пахта топшираётганларига анча бўлди.**

Улар жумҳуриятимиз районлари ўртасидагн мусобақада ҳамон пешқадамлик қилмоқдалар. Миришкорлар ҳозирги кунгача йиллик режани 112 фоиздан зиёд қилиб бажариб қўйишди. Қабул пунктларига 23 минг 720 тонна ўрнига 27 минг тоннадан зиёд хом ашё топширишди. Машина терими режаси эса 130 фоиздан ошиб кетди. Ҳосилнинг қарийб ҳаммаси «зангори кема»лар бункеридан тўкилди.

СУРХОНДАРЁ

● **ТЕРМИЗ районн деҳқонлари зафар маррасини эгаллашди. Улар режадагн 17 минг 700 тонна ўрнига 18 минг тоннадан зиёд хом ашё тайёрлашди.**

Ҳосилнинг ярмидан кўпроғи «зангори кема»лар бункеридан тўкилди.

● **ҚУМҚЎРҒОН районн пахтакорлари ҳам ғолиблардан орқада қолмасликка ҳаракат қилишди.**

Улар режадаги 44 минг 800 тонна ўрнига 45 минг тоннадан зиёд хом ашё топшириб, айни кунларда мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар. Ҳосилнинг қарийб ярми «зангори кема»лар бункеридан тўкилиб, бу борадаги режа 113 фоиздан оширилдн.

ФАРҒОНА

● **ТОШЛОҚ районн миришкорларн режадагн 28 минг 722 тонна ўрнига қарийб 30 минг тонна пахтанн қабул пунктларига топширишди.**

Йиллик режа ортиғи билан уддаланди. Ҳосилнинг асосий қисми юқорн навларга қабул қилинди.

ПАХТАКОР ЎЗ ЕРИГА ХЎЖАЙИН

● **Пахтакор ўзи етиштирган ҳосил самарасидан тўла баҳраманд бўлаётир.**

● **Хирмонлар маъмурий-буйруқбозлик билан эмас, моддий манфаатдорлик эвазига юксалади.**

● **Далалардагн зарбдор меҳнат пахтанинг сўнгги мисқоллари йиғиштириб олингунча давом этади.**

Шеробод районидаги Н. Муродов номли давлат хўжалиги пахтазорлари ўзининг ҳақиқий хўжайнинга эга бўлди. Энди бу ерда буйруқбозлик қилинмайди. Раҳбарлар фақат маслаҳатгўй холос. Хўжалик юритишнинг янгича усулига кўра пахтакорларга пировард натижаларга қараб иш ҳақи тўланмоқда.

Бундан икки йил аввал хўжалик пахта тайёрлаш пунктини ўз қўлига олди. Пахтани қайта ишлаш учун эса заводга топширади ва бунинг учун ҳақ тўлайди. Режадан ортиқча тола учун олинган даромад эса деҳқонлар ҳамёнига тушмоқда. Ўтган йили режадан ташқари 400 тонна тола ишлаб чиқарилганди. Бу совхозга 5 миллион сўм фойда келтирди.

Хўжалик далаларида бу йил ҳам ўрта толали ва ингичка толали пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Ҳозиргача 10390 тонна, яъни режадагидан минг тонна кўпроқ ҳосил тайёрланди. Шунга қарамай, далаларда терим давом этмоқда. Миришкорлар далалардаги зарбдор меҳнатни пахтанинг сўнгги мисқоллари йиғиштириб олингунча давом эттиришга аҳд қилишди.

Ўзбекистон ахборот агентлиги суратқаш мухбири И. ХЎЖАЕВ ана шу хўжаликда бўлиб, миришкорларнинг айни кунлардаги ғайрат-шижоати ҳақида айрим лавҳаларни тасвирга туширди.

1. Кўпмингкилограммчи чеварлардан Раъно Қурбонова билан Назокат Эшмаматова. 2. Машҳур пахтакор, Меҳнат Қизил Байроқ ордени нишондори Рўзибой Қурбонов. 3. Пешқадам механик-ҳайдовчилардан (чапдан ўнгга) Қулмурод Жовлиев, Омон Маматрайимов ва Бахтиёр Бобомуродов. 4. Янги ҳосилдан олинган тола Вьетнамга жўнатиш учун тайёрланмоқда.

Илғорлар, тажрибакорлар минбари

ПАХТА ЭКИБ, КАМ БЎЛМАДИК

Ф. МАМАТМУРОДОВ,
Сурхондарё вилояти, Қумқўрғон районидаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени «Комсомол 30 йиллиги» давлат хўжалигининг директори.

Пахтачилик узоқ йиллардан бери халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб келганлигини ҳар биримиз яхши биламиз. Уни етиштириш орқали ҳаётимизда катта ижобий ўзгаришлар рўй берди, иқтисодиётимиз ҳам яхшиланди. Ҳозир бутун мамлакатимиз бўйлаб қайта қуриш амалга оширилаётган бир пайтда аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талаб-эҳтиёжини янада тўлароқ қондириш ва унинг турмуш фаровонлигини юксалтириш учун кўпгина ишларни амалга ошириш бурчимиз эканлигини чуқур ҳис этамиз.

Аммо айрим кишилар жумҳуриятимизда пахтанинг ялпи ҳосилини кескин камайтириш тарафдори бўлаётгани сир эмас. Шахсан мен ўзим бу фикрга қўшилмайман. Бунинг сабаби эса жуда оддий. Биринчидан, халқимиз пахта етиштиришнинг ҳамма сирларини тўла ўзлаштириб олган. Иккинчидан, уни етиштириш билан азалдан шуғулланиб келяпмиз, агротехникасини чуқур биламиз. Зарур бўлган техника воситалари ҳам етарли. Агар биз шу соҳада ихтисослашган бўлсагу, ундан воз кечиб, бошқа экинни ялпи етиштиришга ўтсак, аввало, ана шу техника воситаларининг аксарияти расми бекор туриб қолади. Бу эса иқтисодиётимизга катта зарар келтиришини ўйлаб кўришимиз зарур. Учинчидан эса пахтани қабул қиладиган ва уни қайта ишлайдиган жойлар ҳам, унинг харидори ҳам аниқ. «Оқ олтин» ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий манфаати жиҳатидан бошқа экинларга нисбатан халққа кўп нарса беради. Айтайлик, бир тонна пахтадан 34 фоиз тола чиқади, 57 фоизи эса чигит. Агар хўжалигимиз мисолида олиб кўрсак, ҳар гектар ердан 36 центнердан ҳосил олинди. Бир тонна чигитдан 19,6 фоиз пахта ёғи, 1,7 фоиз совун, 47,3 фоиз кунжара, 30 фоиз шелуха, 1,4 фоиз линт чиқади. Демак, ҳар бир гектардан 1204 килограмм пахта толаси, бу толадан эса 15 минг метр газлама тайёрлаш мумкин. Ёки 2 минг 52 килограмм чигит, 400 килограмм пахта ёғи, 35 килограмм совун, 970 килограмм кунжара, 615 килограмм шелуха олишимиз мумкин. Бундан ташқари, бу маҳсулотларни қайта ишлаб, сотилса, қанчадан-қанча қўшимча даромад келади. Чорванинг озуқаси ҳам пахтадан эканлигини унутмаслигимиз лозим. Чорвамиз учун у мўл озуқа беради. Ҳисоб-китобларга қараганда, бир гектар майдондаги пахтадан биз 90-100 килограмм қорамол гўшти ёки 650 килограмм сут тайёрлар эканмиз. Энг муҳими эса пахта толасидан тайёрланган кийим-кечакларнинг ҳаммамиз учун қанчалик фойдали эканлигини изоҳлаб ўтириш ортиқча. Бундан ташқари пахтачилик дала меҳнаткашларини иш билан таъминлашда ҳам энг асосий манба ҳисобланади.

Хўш, шунчалик кўп даромад, фойда келтираётган пахтамизни «пахта яккаҳокимлиги» деб кескин камайтириш ўринли бўладими?

Биз бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш арафасида турибмиз. Бу эса ҳар биримизнинг бу ҳақда чуқур ва жиддий бош қотиришимизни, пахтамиз тақдирини тўғри белгилашни тақозо этади. Пахта ўрнига сабзавот ва бошқа экинлар экиб, етиштирилган маҳсулотни қаерга сотишни билмай, сарсон-саргардон бўлганлар, деҳқончасига айтганда, чув тушганлар камми? Пахтамизнинг эса бозори чаққон. Шундай экан, дўппини ерга қўйиб, келгуси йилдан қанча майдонда пахта ва бошқа экинлар етиштиришни пухта белгилаб олишимиз лозим. Тўғри, мен мутлақо бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш керак эмас, демоқчимасман. Уларни ҳам экиш керак. Фақат ўз хўжаликларимиз, ён-атрофдаги шаҳарлар аҳолисига етадиган даражада ҳосил етиштирсак кифоя. Аммо зўрма-зўраки пахтани четга суриб қўйиб, бошқа экинларга шўнғиб кетишимиз ҳеч қачон ўзини оқламайди.

Хўжалигимиз учун бу йил пахтачиликда жуда омадли йил бўлди. Йиллик режани 7 октябрдаёқ адо этдик. Ҳосилнинг ҳаммаси биринчи навга топширилди. Қабул пунктларига ҳар гектар ҳисобидан 36 центнердан пахта топширдик. Қўл теримида 1500 киши қатнашди. Улар 3 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» териб беришди. Ҳар бир килограмм пахта учун 25 тийиндан, жами 750 минг сўм ҳақ бердик. Бу ҳар бир теримчига ўрта ҳисобда 500 сўмданга тўғри келади. Терим агрегатлари билан эса 2 минг 800 тонна ҳосил териб олинди. Ҳар бир машина билан ўртача 88 тонна дурдона терилди. Ҳар бир механизатор 880 сўмдан ҳақ олди. Демак, хўжалигимиз пахтакорларининг йиллик даромадлари ўтган йилларга нисбатан анча кўпайиши кутилмоқда. Бошқача қилиб айтганда, ҳар гектар пахта майдонидан 3 минг 868 сўмдан даромад олиш мўлжалланмоқда.

Хўжалигимиз уруғчиликка ихтисослашган. Мўлжалдаги 905 тонна ўрнига 1500 тонна янги ва районлаштирилган ғўза навларининг уруғи давлатга топширилди. Ана шу уруғлик пахта териб олингандан кейингина ғўза барги тўктирилди. Бу йил ҳосилни тез ва сифатли йиғиб-териб олишда жумҳуриятимиз раҳбариятининг теримчиларга тўланадиган ҳақни оширишгани катта омил бўлди. Биз бу йил бирор нафар кишига: «Теримга чиқинглар», — деганимиз йўқ. Ҳамма ўз ташаббуси билан далага отланди! Йиғим-терим бир ой ичида асосан ниҳоясига етди. Бундай тезкорлик сабаби: биринчидан, йиғим-теримга барча техника воситаларини ўз вақтида шайлаб қўйганимиз қўл келди. Қолаверса, ишни бошидан пухта қилдик. Ҳамма майдонлар суғорилиб, эгат пуштасига чигит экилди. Натижада чигит бир текис ундириб олинди. Иккинчидан эса, ғўзани яганалаш ғоят қисқа муддатда ўтказилди. Ғўза чеканкасини 15 июлгача тамомладик. Учинчидан эса, ғўза баргини агрегатлар ёрдамида «Дропп» препарати билан тўктирдик. Бу эса уни сифатли ўтказиш имконини берди.

Юқорида айтиб ўтганимдек, биз фақат пахта эмас, бошқа хил экинлардан ҳам яхши ҳосил олдик. 164 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 50 центнердан маккажўхори, беданинг ҳар гектаридан 142 центнердан ҳосил олинди. 20 гектар ердаги хашаки лавлагидан 600 центнердан ҳосил кўтариш мўлжалланмоқда. Булардан ташқари кўпгина сабзавот маҳсулотлари саранжомлаб олинди.

Кейинги вақтларда қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандалари бўлган ҳашаротларга қарши курашда, ғўза баргини сунъий тўктиришда заҳарли химикатлардан фойдаланиш инсон соғлиғига зиён келтираётгани ҳақида кўп гапирилди ва ёзилди. Ҳозир бизда ҳашаротга қарши ҳеч қандай заҳарли химикатлар ҳам, дефолиантлар ҳам ишлатилмаяпти. Тайёралар ёрдамида ғўза баргига дори сепишдан аста-секин воз кечилмоқда. Ҳозирги пайтда агротехника тадбирларининг инсон соғлиғига зиён келтирмаётганлиги ҳаммамизга яхши маълум.

Ана шулардан келиб чиқиб, шундай бир таклиф киритмоқчиман. Бутун жумҳуриятимиз бўйича 60-65 фоиз майдонга пахта экилса. Алмашлаб экишни тўла жорий этиб, биз ернинг умрини узайтирган бўламиз ва унумдорлигини оширишга эришамиз. Жумҳуриятимизда етиштирилган пахтани тўла қайта ишлашга эришиш вақти келди. Бунинг учун ип-йигирув фабрикалари, тўқимачилик комбинатлари, тикувчилик корхоналарини кўпайтириш керак. Бу эса кишиларни иш билан таъминлашга жуда катта ёрдам берган бўлур эди. Энг асосийси, ўзимиз етиштирган пахтанинг ҳамма даромади жумҳуриятимизнинг ўзида қолса. Кишиларимизни озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида хўжаликлардаги 15-20 фоиз майдонга зарур бўлган турли хил қишлоқ хўжалик экинлари экмоқ керак. Бундай деяётганимнинг сабаби — кўплаб майдонларга сабзавот ва бошқа экинлар экилса, хўжаликлар гоҳо плёнка етишмай, кўп ҳолларда эса сув етишмасдан бир қатор қийинчиликларга дучор бўлмоқдалар. Маҳсулотларни қайта ишлайдиган цехлар эса мутлақо етишмайди. Оқибатда, айтайлик, не-не қийинчиликлар билан етиштирилган помидорларни узоқ жойларга — консерва заводларига арзон-гаровга топширишга мажбур бўлмоқдалар, агар шундай қилинмаса, маҳсулотнинг вақти ўтиб, истеъмолга яроқсиз бўлиб қоляпти, натижада деҳқон ундан даромад олиш ўрнига зиён кўрмоқда.

Бошқариладиган бозор иқтисодиётига ўтиш арафасида ана шулар ҳақида ўйладим. Ризқ-рўзимиз бўлган пахта ҳосилдорлигини янада ошириш йўлларини изланишимизга тўғри келади. Ақл ва идрок билан иш юритсак, ана шундагина пахта ҳам, озиқ овқат маҳсулотлари ҳам халқимиз талаб-эҳтиёжини тўлароқ қондиришга етарли даражада бўлади. Халқимиз турмуш фаровонлиги, асосий бойлигимиз — пахтадан. У бизнинг истиқболимизни белгилаб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади!

Халқлар дўстлиги—парламентлар дўстлиги

ТАБИАТ: МУШТАРАК ДАРДЛАР, ТАШВИШЛАР, УМИДЛАР

УРТА ОСИЁ ЖУМҲУРИЯТЛАРИ ВА ҚОЗОҒИСТОН ПАРЛАМЕНТ АЪЗОЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ ШУНДАЙ ФИКР БИЛАН ЙЎҒРИЛГАН ЭДИ

Тошкентда йиғилган халқ депутатлари бугунги кунда куч-ғайратларимизни фақат иқтисоднёт ва снёсвтдагина эмас, айни вақтда экология муаммоларини ҳал этишда ҳам жипслаштиришимиз талаб этилади, деган фикрга якдиллик билан қўшилишди.

Қўшни жумҳуриятларнинг қонун чиқарувчи олий идоралари ташкил этган экология қўмиталари (комиссиялари) раҳбарларининг учрашувлари ҳам мазкур муаммоларнинг аниқ йўналишлари ва уларни ҳал этиш чораларини аниқлаб олишга бағишланганди.

Бу ўринда шундай учрашувлар имкониятини очган ҳамда унинг самарадорлигига кафолат берган асос ҳақида ҳам айтиш лозим. Бу — Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон раҳбарлари тузган иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битимдир.

Эслатиб ўтамиз: бу йил ёз фаслида Олмаота шаҳрида қабул қилинган ҳужжатда қўшни жумҳуриятларнинг жуда катта имкониятларидан уларнинг анъанавий сиёсий, иқтисодий, маънавий алоқаларига, ҳудудий ва табиий шароитларнинг муштараклигига асосланиб, кенг фойдаланиш хусусида гапирилган эди.

Зотан, қўшничилигимизнинг ўзи бу соҳадаги ҳамкорликнинг аниқ мақсадларини белгилаб беради. Бир дарёдан сув ичаётган ерларимизнинг яқинлиги ва ўхшашлигини чегаралар билан ажратиш мумкинми, ахир? Бизнинг қувончларимиз ҳам, кулфатларимиз ҳам муштарак. Чунончи, Каспий денгизидан Помир тоғларигача чўзилиб кетган бутун минтақамиз Орол денгизи йўлиққан фалокатни ўзида ҳис қилди.

Бинобарин, ана шу яқинлик ҳамкорлигимиз асосларини ҳам белгилайди.

Парламентлар Тошкент учрашувига табиатнинг ҳақиқий билимдонларини, бинобарин бепоён ўлканинг ўзига хос хусусиятлари билан шунчаки таниш бўлмаган, балки аниқ ғоялар, режалар, лойиҳалар билан ўртоқлашишга тайёр кишиларни вакил қилиб юборди. Бу эса мунозараларга амалий руҳ берди, муштарак йўлни ишлаб чиқишга имконият яратди.

Бу нарса мустақил давлатларнинг чегарадош ҳудудлари табиати тўғрисидаги декларация деб аташ мумкин бўлган резолюцияда акс эттирилган. Энди унинг асосий қоидаларига эътибор беринг:

— табиий ресурсларни ушбу ҳудудда яшаётган халқлар тасарруф этадилар;

— табиий ресурсларни сақлаш, уни қайта тиклаш ва оқилона фойдаланишнинг ягона сиёсатини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш зарур;

— жумҳуриятлар ҳаво ҳавзасининг булғанишини ҳамда қўшни жумҳуриятлардан келадиган оқава сувларнинг йўлини тўсишга кафолат беради.

Ана шу учта бандда ўзаро ҳамкорлик ҳам, ўзаро масъулият ҳам акс эттирилган. Чунончи, резолюциянинг кейинги сатларида, зарурат туғилганида чегарадош ерларда сувларни ҳамда ҳаво ҳавзасини булғайдиган халқ хўжалиги иншоотларини экологик текшириш ўтказишга ваколат қилинган жумҳуриятлараро комиссия тузилиши назарда тутилади.

Бундай текширишларни лойиҳалаш босқичида ҳам — пайдо бўлиши ёки фаолиятини қўшни жумҳуриятларнинг чегарадош ҳудудлари сезиши мумкин бўлган иншоотларни қуришга киришиш хусусида биргаликда келишиб олинганидан кейингина амалда қўлланиш мумкин.

Парламентлараро учрашув ҳамкорликка асос солди, у ривожлантирилади, такомиллаштирилади, самара берадиган бўлади. Ҳамкасблар қабул қилган дастлабки ҳужжатдаёқ етилган муаммоларни ҳал этишнинг аниқ-равшан йўллари чизиб берилган.

Қуйидагилар тавсия этилади:

— ахборот-норматив, маълум бир мавзудаги, экологик хариталарни ишлаб чиқиш шарти билан ягона экология-ахборот системаси (мониторинг)ни вужудга келтириш;

— минтақанинг чегарадош ерларида табиатни муҳофаза қилишнинг бир туркум ҳудудий чизмаларини ҳамда табиатдан фойдаланишнинг ягона иқтисодий омилини жорий этиш дастурини ишлаб чиқиш;

— заҳарли кимёвий моддалар ва заҳриқотиллар қўлланишини қисқартириш дастурини тайёрлаш — 1995 йилда улардан халқ хўжалигида фойдаланишни бутунлай тўхтатиш;

— экологик тарбия, таълим, экологик билимларни тарғиб қилиш туркум дастурини белгилаб олиш.

Парламент аъзоларининг фикрича, норматив ҳужжатлардан фойдаланиш асосларини ишлаб чиқиш, фан-техника тараққиёти манфаатларини кўзлаб фаолиятни мувофиқлаштириш масалалари Иттифоқ идоралари зиммасида сақланиб қолади.

Учрашув қатнашчилари бутун мамлакатимиз, бутун жаҳон жамоатчилиги эътиборини ўзига тортаётган бир қанча муайян вазиятларга нисбатан ўз муносабатларини белгилаб олдилар. Улардан бири Орол денгизининг тақдирига тааллуқли: «Биз Орол денгизини сақлаб қолиш ва унинг ҳавзасидаги экологик муҳитни соғломлаштиришга бағишланган халқаро анжуман резолюциясига тўла қўшиламиз». Айни вақтда, Балхаш, Иссиққўл ва бошқа ички сув ҳавзаларини сақлаш зарурлиги тўғрисида ҳам фикрлар айтилган.

Суғ ресурсларидан оқилона фойдаланиш, уни тежашдан иш бошлаш кераклиги табиийдир. Лекин биргина тежамкорликнинг ўзи етарли эмас... Учрашув қатнашчилари шундай деб ўйлайдилар: минтақа суғ ресурслари ўрнини тўлдиришга тўғри келади ва яна Сибирь диёри Ўрта Осиё ва Қозоғистон билан баҳам кўриши мумкин бўлган дарё сувларининг бир қисмини минтақага олиб келиш муаммоси олға суриладн. Ўз-ўзидан маълумки, бу ишни яхши ва пишиқ-пухта ўйланган техникавий ҳамда иқтисодий ечимлар асосида амалга ошириш зарур.

...Резолюцияни Ўзбекистон ССЖ, Қозоғистон ССЖ, Қирғизистон ССЖ, Тожикистон ССЖ парламентларининг аъзолари имзоладилар, ана шу даврда бошқа тадбирларда иштирок этган Туркманистон ССЖ парламентининг аъзолари ҳам ушбу ҳужжатга мутлақо рози эканликларини изҳор қилдилар. Шундай қилиб, беш қўшни жумҳуриятнинг экология соҳасидаги самарали ҳамкорлигига асос солинди.

Е. ЕФИМОВ,
ЎзТАГ шарҳловчиси.

ЭЛЧИ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

Корея Жумҳуриятининг консуллик бўлим мудири ССЖИдаги элчиси, ушбу Гонг-Ро-Мьюн Ўзбекистон жумҳуриятнинг Москвадаги ҳаёти билан танишмоқда.

20 октябрь куни Гонг-Ро-Мьюнни Ўзбекистон ССЖ Президенти И. А. Каримов қабул қилди.

Меҳмон ҳозирги босқичда жумҳуриятнинг тараққиёти, унинг хом ашё ресурслари, иқтисодий имкониятлари билан батафсил таништирилди. Ўзбекистон ССЖнинг Корея Жумҳурияти билан жиддий асосда, ҳар томонлама, ўзаро фойдали ҳамкорликдан манфаатдор эканликларини таъкидланди.

Элчи Корея Жумҳуриятининг савдо-саноат доиралари ҳам ўзаро фойдали иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор эканликларини айтди.

Суҳбатда Президентлик Кенгашининг аъзолари — Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгаши Раисининг ўринбосари, жумҳурият Давлат план комитетининг раиси Б. С. Ҳамидов, Ўзбекистон ССЖ ташқи ишлар вазири С. О. Азимов иштирок этдилар.

(ЎзТАГ).

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИНИ БАРҚАРОРЛАШТИРИШ ВА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИГА ЎТИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Фақат Иттифоқ ҳукуматигина эмас, жумҳуриятларнинг ҳукуматлари ҳам марказдан четлашиш тамойилларининг салбий оқибатларига дуч келаётганлигини биламиз, кўп ҳолларда улар изчил иқтисодий сиёсатни ўтказишга ва хўжалик ишларини амалга оширишга қодир бўлмаётирлар. Бунинг оқибатида ҳокимият органлари бир-бирига қарама-қарши ҳаракат қилмоқда, номутаносиблик, иқтисодиёт ва ижтимоий турмушдаги ажралишнинг кучайиши сабаблари ҳам мана шундадир. Бунга бир мисол. РСФСР ҳукумати қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлашдаги тангликни бартараф этишга ҳаракат қилиб, чорва моллар ва паррандалар харид нархини бир томонлама оширмоқда.

Бундай қарор Россия Олий Кенгаши бунгача қабул қилган «500 кун» дастурига зиддир, бу дастурда харид нархлари ва улгуржи нархларни оширишни бекор қилиш тўғрисидаги қатъий талаблар ёзиб қўйилган. Бундай муҳим иш бошқа жумҳуриятлар ва марказ билан маслаҳатлашмай қилингани ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

Ўз навбатида Иттифоқ ҳукумати юз берган аҳволдан чиқишга уриниб, мамлакатда харид нархларининг умумий даражасини ошириб, вазиятни беқарор қилишга «ўз ҳиссасини» қўшмоқда. Натижада бу йил бюджет камомадини қисқартиришда ва давлат молиявий аҳволини соғломлаштиришда эришилган ижобий силжишлар йўққа чиқмоқда.

Бундай вазият умуман улгуржи нархларда ҳам юз берди. Маълумки, ҳукумат май ойида янги прейскурантларни корхоналарга етказган эди. Корхоналар прейскурантнинг ваъда қилинган даражада оширилишини кутиб келгуси йил учун амалда хўжалик шартномалари тузмадилар. Хўжалик алоқаларининг оммавий узилиши хавфи чинакам тус олди. Ана шундай шароитда энди Президент вазият тазйиқи билан маълум икки Фармонни қабул қилишга мажбур бўлди.

Натижада, ўртоқлар, шундай бўлдики, бозорга ўтиш дастурини ишлаб чиқиш босқичида, молиявий аҳволни соғломлаштириш ва сўмни мустаҳкамлаш юзасидан бирор муҳим қадам қўймай туриб биз пулнинг қадрсизланишига йўл очиб бердик. Бу сизларга тақдим этилган ҳужжатнинг мантиқи ва мазмунига таъсир қилди.

Сўнгра мен бозорга ўтиш умумиттифоқ дастурини муфассал ишлаб чиқишдан нима учун воз кечганлигимизни, асосий йўналишларни тақдим этганлигимизни далиллар билан исботлаб бермоқчиман.

Сентябрь ойидаёқ Олий Кенгашда муҳокама қилиш чоғида дастурни кунларга қараб ҳисоблаб чиқилган график-режани ишлаб чиқишни вазифа қилиб қўймаслик тўғрисида гапирилган эди. Биринчидан, бу реал бўлмайди. Иккинчидан — бу эса энг муҳими — жумҳуриятлар, корхоналар, меҳнат жамоалари учун, ҳамма учун бу ерда, Москвада ҳаммасини олдиндан ҳал қилиб қўйиш хато бўлур эди. Ҳаётий жараёнларни бир андазага солинса, нима бўлишини яхши биламиз. Кўпгина жумҳуриятларнинг Олий Кенгашларида ҳам шундай хулосага келишди. Федерация кенгашининг яқинда бўлган мажлисида ҳам ҳужжат муфассал режага айланмаслиги, балки асосий йўналишлар тусида бўлишини якдиллик билан маъқуллашди.

Жумҳуриятлар ва минтақаларнинг ўзига хос хусусиятларини мумкин қадар тўла ҳисобга олиб, бозор томон ҳаракат қилиш стратегияси белгилаб берилган ҳужжат зарур. Жумҳуриятларда ва жойларда ўз хусусиятларини ҳисобга олиб, кенг ташаббускорлик кўрсатиш учун шарт-шароит яратиб, умумий қоидалар ва йўлларни баён қилиб бериш яхшироқдир. Умумиттифоқ раҳбарлиги талаб қилинадиган соҳаларда эса (булар аввало, пул, молия, кредит ва валюта сиёсати, фуқароларнинг асосий ижтимоий кафолатлари, структура сиёсати, бошқарувни Иттифоқ даражасида қайта ташкил этишдир) бир хил, аниқ ва муайян йўл бўлиши лозим.

Умуман гап Президент, ҳукумат келишилган умумий қоидаларга таяниб, ўзларига берилган ваколатлардан оператив фойдалана олишлари ҳақида бормоқда. Жумҳуриятлар эса ушбу умумий йўналишлар доирасида барқарорлаштириш ва бозорга ўтишнинг ўз дастурларини қабул қилиш ва уларни марказнинг зарур ёрдами ҳамда ўзаро мувофиқлаштириш асосида амалга ошириш имкониятини оладилар. Қисқача кириш тарзида ана шуларни айтмоқчи эдим.

Энди яна бир бор бозор тўғрисида.

Ҳаётнинг ўзи бизни бозор иқтисодиётига ўтишга олиб келди. Тушунтириб бераман. Биз туб иқтисодий ислоҳот йўлига ўтдик, чунки маъмуриятчилик-буйруқбозлик системаси бутун жамиятни, одамларнинг, меҳнат жамоаларининг ишини бўғиб қўйишини тушундик. Бизда ҳукмрон бўлган иқтисодий турмушнинг шакллари, мулкчилик муносабатлари инсоннинг ташаббуси ва омилкорлигини бўғиб келди.

Октябрнинг дастлабки шиорларига яна қайтиш, инсоннинг иқтисодиётга хўжайин, асосий куч сифатида қайтиши йўлини топиш лозим эди. Айни шу зарурат бизни иқтисодий ислоҳотнинг марказий бандларига, мулкчилик муносабатларини қайта қуриш зарурлигига, одамларни ишлаб чиқариш воситаларининг хўжайинига, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг эгасига айлантириш зарурлигига олиб келди. Хўжайинларга эса буйруқ бериш мумкин эмас, улар учун иқтисодиётнинг субъектлари тарзида ҳаракат қила оладиган бошқача иқтисодий муҳит зарур. Ана шундай муҳит — тўла маънодаги бозордир. Биз иқтисодий эркинлик орқали бозорга, бозор билан боғлиқ бўлган муносабатларга мантиқан бормоқдамиз.

Бозорга ўтиш истиқболи келтириб чиқарган чўчишлар ҳақида бир неча оғиз гапирмоқчиман. Менимча, бу соҳада реалистик мавқеда турмоқ лозим. Бу жўн жараён эмас. Иқтисодиёт структурасини қайта қуришга, уни инсон эҳтиёжларига қаратишга, меҳнатга муносабатни тубдан ўзгартиришга тўғри келади.

Чамаси, айрим маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳажми камаяди, чунки кўпгина маҳсулотлар шунчаки керексиз бўлиб қолади. Текисчиликка, қарамликка ва яна буйруққа асосланган иқтисодиётдаги хўжасизликдан фойдаланиб қолиш имкониятларига кўникиб кетган кишиларга қийин бўлади.

Одамларнинг бозор иқтисодиётининг қандай бўлишидан хавфсираётганликлари тушунарли ва табиийдир. Биз ҳеч қачон чинакам бозор муҳитида яшаган эмасмиз, бозор тўғрисидаги тасаввурларимиз ҳаддан ташқари нотўғри. «Чайқов бозори», чайқовчилар, колхоз ва кооператив бозорлари нималигини яхши биламиз. Давлат савдосининг бўм-бўш бозорини, истеъмолчининг сўмлари учун маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг рақобати бўлмаган, истеъмолчининг эҳтиёжларини яхшироқ қондириш учун беллашув бўлмаган рақобатсиз, монополияга айлантирилган бозорни биламиз.

Бу ерда рақобатнинг оёғи осмондан қилиб қўйилган. Одамлар кимларнингдир айби билан тақчил бўлган молларни харид қилиш учун соатлаб навбатда туриб, бир-бирлари билан рақобат қиладилар. Бу эса яширин иқтисодиёт, чайқовчилик, порахўрлик, уюшган жиноятчилик учун жуда бой муҳит яратади. Буларнинг ҳаммаси талаб кучайган шароитда хунук тус олади. Бинобарин биз бошлаётган туб ислоҳотлар — бозор муносабатлари йўлидаги сунъий ғовларни олиб ташлаш — соғлом рақобатнинг вужудга келишига, пештахталарни тўлдиришга, техника тараққиётини жадаллаштиришга, юқори сифатли янги моллар мунтазам чиқишини таъминлашга кўмаклашади.

Ишлашни биладиган, одамлар учун зарур маҳсулотни ишлаб чиқаришга қодир бўлган барча кишилар, жамоалар учун бозорга ўтиш — фаровонликни ошириш йўлидир, ўз қобилиятларини, омилкорлигини, ижодий имкониятларини рўёбга чиқариш учун кенг йўлдир.

Ҳозир мамлакат бошидан кечираётган жиддий иқтисодий қийинчиликлар олдида баъзи бировлар: маъмуриятчилик-буйруқбозлик системасидан воз кечиб, шошилмадикми, деган фикрни айта бошладилар.

Бой табиат ресурсларимизни бундан кейин ҳам талонторож қилиб, маъмуриятчилик-буйруқбозлик системасининг умрини яна узайтириш, иқтисодий ривожланган мамлакатлардан тобора орқада қолишга тоқат қилиш, турмуш даражаси янада пасайишини яна неча йилларга чўзиш, ҳозирги тангликни яна бироз орқага суриш мумкин эди, албатта.

Лекин бу йўлда унинг олдини олиш мумкин эмасди. Мен буни рўй-рост айтишим керак. Соғлом фикрни менсимаслик, бозор каби умумий маърифий воситадан фойдаланишдан воз кечиш учун барибир жазони тортишга тўғри келар эди. Ҳозирги пайтда ўтиш даврининг чинакам қийинчиликларидан ғаразли мақсадларда фойдаланиб, халқни орқага қайтишга даъват этаётган кишилар мамлакатни тарихан боши берк кўчага олиб киришга қодирдирлар, холос.

Мулкчилик ва ер тўғрисида икки оғиз сўз. Иқтисодиётни ёппасига давлат ихтиёрига олишнинг умри тугаганлиги мутлақо тушунарли. Бу жуда муҳимдир. Мулкка муносабатни қандай йўл билан ислоҳ қилиш, мулк шаклларининг хилма-хиллиғи ва тенг ҳуқуқлилигига қандай қилиб ўтиш масаласи эса ўткир масала бўлиб қолмоқда.

Мулкчилик шаклларининг хилма-хиллиги ва тенг ҳуқуқлилиги, бунда ана шу шаклларнинг ҳар биридан унинг имкониятлари энг кўп даражада намоён бўладиган соҳаларда фойдаланишга имкон бериши умумий қоида бўлиб, бу ҳақда Иттифоқ даражасида келишиб олиш мумкин. Биз аралаш иқтисодиётга бораётганлигимизни қайд этиш мумкин, деб ўйлайман.

Ҳақиқий вазиятга сезгирлик билан баҳо беришга асосланиб, замонавий ишлаб чиқариш шароитларининг ўзи, тарихий анъаналар, ижтимоий муҳит мулкчиликнинг ижтимоий шакллари — акционерлик, кооператив, жамоа мулклари устун бўлишини тақозо этаётганлигини фараз қилиш мумкин.

Ўз тажрибамизни ва жаҳон тажрибасини ҳисобга олиб давлат мулкининг муҳим роли тўғрисида ҳам аниқ гапириш мумкин. Хусусий мулк рақобатга қобилиятли бўлиб, самара берадиган жойда у яшаш ҳуқуқига эга. Совет кишилари кўп авлодларининг меҳнати билан тўпланган мол-мулк кимнинг қўлига ўтиши тўғрисидаги масала одамларни ҳамма нарсадан кўра кўпроқ ташвишга солмоқда, биз бу мулкни хуфёна иқтисодиётнинг бир тўда корчалонларига тарқатиб юбормаймизми — ана шу ташвишга солмоқда. Жамият буни мутлақо қабул қилмайди. Биз дастуримизни ишлаб чиқиш чоғида айни шунга асосландик.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш амалга ошириладиган умумий қоида шундан иборатки, бу улкан иш меҳнаткашлар ўзларининг иштирокида, пировард натижада, уларнинг манфаатларини кўзлаб амалга оширилиши лозим. Мулкчилик хилма-хил шаклларини ривожлантиришда жиддий равишда олға силжишнинг аниқ йўлларини эса жумҳуриятларда ва маҳаллий кенгашларда излашга тўғри келади.

Ерга эгалик азалий ва айниқса нозик масаладир. Бу соҳада кейин вужудга келган андозалар билан эмас, балки адолат тўғрисидаги илдиз отган тасаввурлар билан, чуқур миллий анъаналар билан ҳисоблашишга тўғри келади.

Ер муносабатларини қайта қуриш дастурини ишлаб чиқиш чоғида деҳқонни ердаги хўжайинга айлантиришга имкон берадиган йўлларни синаб кўриш керак. Ҳужжат ерда хўжалик юритиш шаклларини хилма-хиллиги қоидасига асосланади.

Ерни мерос қолдириш ҳуқуқи билан умрбод ижарага олишни ривожлантиришга алоҳида эътибор беришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз, бу усул хўжалик соҳасидаги ташаббускорлик учун кенг имконият яратади ва шу билан бирга ер участкаларидан ғайриқонуний фойдаланиш, чайқовчилик қилиш имкониятларини истисно этишга имкон беради.

Гап ишнинг умумий йўналиши тўғрисидагина бормоқда. Ер тўғрисидаги масалада ҳал қилувчи сўзни халқ айтиши керак. Бу ишнинг мутлақо муҳим соҳасидир. Лекин ер ислоҳоти самаралари келгуси йилдаёқ пайдо бўлиши учун жумҳуриятларнинг кучлари билан уларнинг қонунлари асосида ер ислоҳотини дарҳол бошлаш зарурлигига келганда эса бу ҳақда ҳеч ким баҳслашмайди, деб ўйлайман.

Ижтимоий онгимизда анча кенг тарқалган яна бир хавфсираш ҳақида. Бозор томон ҳаракат қилар эканмиз, социализмдан воз кечмаяпмизми?

Одамларимиз шу масалани ўртага қўяётганликларининг ўзи кўп нарсадан дарак беради. Барча бузилишларга қарамай, барча маҳрумликларга қарамай, халқимиз бошидан кечирган барча фожиали воқеаларга қарамай социалистик ғоя одамларда яшамоқда ва у чуқур илдиз отган.

Одамлар «социализм» чиройли сўз бўлганлиги учун социалистик идеални қадрлаётганлари йўқ. Бу қадрлаш замирида ижтимоий адолат, тенглик, эркинлик ва демократия жамияти тўғрисидаги сингиб кетган тасаввурлар бор. Агар биз юқори самарали иқтисодиётни барпо этиб, уни инсонга қарата олсаккина, буларнинг ҳаммасини таъминлашга муваффақ бўлинади. Буни эса фақат бозор орқали амалга ошириш мумкин. Хуллас, биз социализмни оғизда эмас, балки чинакам мустаҳкамлашга интилмоқдамиз. Агар гап иқтисодий эркинлик, ташаббус кўрсатиш, бадавлат турмуш кечириш, шахснинг имкониятлари рўёбга чиқадиган шарт-шароитлар тўғрисида борса, ахир булар социализм идеалларига мос эмасми?

Сизларнинг кўриб чиқишингиз учун тақдим этилган ҳужжат — социалистик идеални амалда рўёбга чиқаришга қаратилган аниқ-равшан тадбирлардир. Социализм деганда казарма ва текисчилик кўзда тутилмаган тақдирдагина шундай бўлади, албатта.

Танлаб олган стратегиямизни ишлаб чиқиш босқичида ва айниқса уни амалга ошириш босқичида жамиятимиз тараққиётининг воқеликларини мунтазам билиб туриш ва ҳисобга олиш лозимлиги ҳақида нутқимнинг бош қисмида гапирган эдим. Бу ўринда биз чуқур ўзгартишларни бошидан кечираётган кўпмиллатли давлатда яшаётганлигимиз жуда муҳимдир. Жумҳуриятларнинг мустақиллиги ҳисобга олинмаса, ҳар қандай дастур барбод бўлишга маҳкум. Шу сабабли асосий йўналишларда бу мавзу марказий ўрин тутади.

Жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги давр ўтмишдаги қаттиқ марказлаштирилган иқтисодиёт ва унитар давлатдан федератив давлатимиз янги яхлитлиги — мустақил жумҳуриятларнинг иттифоқига ўтишдир ва шундай бўлиши керак десам, фикримга қўшиласиз, деб ўйлайман.

Бунда ҳақиқий маҳаллийлаштириш ва жумҳуриятлар мустақиллигини тан олишни барча давлат структуралари барбод бўлишидан, иқтисодиётда ва жамиятда бошбошдоқликдан ажратиб турадиган чегарадан ўтмаслик муҳимдир. Бу бизнинг умумий масъулиятимиздир.

Ушбу ҳужжатда ана шундай мутаносибликка эришишга муваффақ бўлинди, деб ўйлайман. Жумҳуриятларнинг кенг ҳуқуқлари, шу жумладан мулкчилик, нарх ва даромадлар, фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш, бюджетни тузиш ва ундан фойдаланиш, кредит системасини ривожлантириш соҳаларидаги ва бошқа кўп соҳалардаги ҳуқуқлари биринчи марта умумиттифоқ даражасида мустаҳкамлаб қўйилди.

Жумҳуриятлар иқтисодиётни давлат йўли билан бошқаришнинг ўз ёндашувларини ва аниқ-равшан ҳаракатлар дастурларини қабул қилиш ва амалга оширишга, энг муҳими эса — ўз ҳаракатларининг самарадорлиги ва тўғрилиги учун халқ олдида жавоб беришга қодир бўлган тўла ҳуқуқли субъектлари бўладилар. Иттифоқда эса жумҳуриятлар томонидан бериладиган, Иттифоқнинг иқтисодий соҳаси бирлигини таъминлаш учун, хўжалик соҳасидаги кенг алоқаларнинг имкониятларидан, умумиттифоқ бозорининг ўзаро манфаатдорликка асосланган нафларидан фойдаланишни таъминлаш учун зарур бўлган ҳуқуқлар мустаҳкамлаб қўйилади.

Пул, валюта ва кредит системаларининг бирлигини, бож сиёсатини таъминлаш бу марказнинг инжиқлиги эмас. Бу мамлакатимиздаги барча халқларнинг объектив манфаатидир. Айни шу сабабли бу соҳада империя зўравонлиги кўринишларини қатъият билан бартараф этиш мумкин ва лозим, барча жумҳуриятлар билан келишилган қарорларни қабул қилиб, уларни амалга оширишга ўтиш керак ва лозим. Чунки бозор халқларни қуролнинг хавфли кучи билан эмас, ишончли иқтисодий манфаатлар билан бирлаштиришга имкон беради.

Энди иқтисодиётни барқарорлаштириш ва бозорга ўтишга доир тадбирларнинг қандай изчилликда амалга оширилиши ҳақида. Тўла маънодаги бозор дастури қарор топиши учун бир қанча йиллар талаб қилиниши ҳаммага тушунарли бўлса керак, деб ўйлайман. Кўриб чиқиш учун тақдим этилган ҳужжат иқтисодиётни барқарор қилиш, бозорнинг асосий воситаларини яратиш каби энг қийин вазифаларни ҳал қилади.

Аслида гап ўтиш даври тўғрисида бормоқда. Бу ўринда ҳамма нарсадан кўра, кўпи билан бир яримикки йил ичида молияни тубдан соғломлаштириш, пул системасини барқарор қилиш, сўмни мустаҳкамлаш муҳимдир. Шу асосда пулнинг қадрсизланиши жараёнларини назорат қилишни, нархни эркин қилиб қўйишни, иқтисодий манфаатдорлик шароитини яратишни, бозорнинг ўзини ўзи бошқариш воситаларини ишга солишни таъминлаш муҳимдир. Бу соҳада биз ғоят қатъиятли бўлишимиз керак. Акс ҳолда биз қилаётган ишларнинг ҳаммаси пучга чиқади.

Ҳозирги даврда бозор стихияли нарса эмас, тартибсизлик эмас. Бутун дунёда бозор бошқариб турилади. Унга бюджет, солиқ системаси орқали, пул ва кредит сиёсати орқали, валюта ва бож қонунлари орқали, рақобат, кордонлик учун шарт-шароит яратиш орқали ва бошқа йўллар билан таъсир ўтказилади.

Бу назария масаласи эмас, балки кўп мамлакатларнинг тажрибаси билан тасдиқланган фактдир. Чекланган бўлсада, бизнинг ўз тажрибамиз ҳам бор. Ўтмишда товар ресурслари бир йилда 10-12 миллиард сўмлик кўпайтирилган тақдирда ҳам истеъмол бозорининг камтарона бўлсада, муқим даражаси таъминланди.

Ҳозир, ҳарбий саноат йўналишини ўзгартиришни бошлаб товар ресурслари ишлаб чиқариш ҳажмини 1988 йилдаги 27 миллиард сўмликдан 39 миллиард сўмликка етказишга муваффақ бўлдик. Шунга қарамай, бозордаги вазият фалокатли равишда ёмонлашди. Бунинг сабаби равшан: биз бозорни оқилона тартибга солмай қўйдик, олдинги йиллардагига нисбатан бир неча баравар кўп пулни зарб қила бошладик, мамлакатдаги молиявий вазият назоратини қўлдан чиқариб юбордик. Хазинадаги пул зарб қиладиган дастгоҳ пойабзал, газлама ва бошқа моллар тайёрлайдиган станоклардан тезроқ ишлар экан, истеъмол бозоридаги ўпирилишларни тугата олмаймиз.

Давлат бюджети мутаносиблигини таъминлаш ҳозирги вақтда биринчи ва энг муҳим вазифадир. Фақат шу вазифани ҳал этиб иқтисодиётни давлат йўли билан бошқариш воситаларини қўлга кирита оламиз, пухта ўйланган молиявий сиёсатни ўтказиш имкониятига эга бўламиз.

Ҳозир ССЖИ Олий Кенгаши, иттифоқдош жумҳуриятларнинг Олий Кенгашлари 1991 йил учун бюджет лойиҳасини муҳокама қилишга киришдилар. Иқтисодиётни барқарор этишга қаратилган кўч-ғайратлар қанчалик жиддий, самарали эканлиги, аҳволни қўлда ушлаб туришга имкон бериши ёки бермаслиги айни ана шу муҳокамада дарҳол равшан бўлиб қолади.

Кўрпага қараб оёқ узатиш керак — бу амал қилишни ўрганиш лозим бўлган биринчи қоидадир. Барча тармоқларга қарашли корхоналар қаттиқ молиявий шароитга солиб қўйилади. Уларнинг пировард натижада бюджет ёки банк ҳамиша ёрдамга келиб қутқаради, текин, қайтариб берилмайдиган кредитлар бор, деган фикрдан бутунлай қутулишларига тўғри келади.

Бундан уч йил олдин биз корхоналарнинг қарзлари учун давлат жавоб бермайди, деган мутлақо тўғри тезисни эълон қилдик. Афсуски уни амалда рўёбга чиқариш учун ҳеч иш қилмадик. Ҳозир бу тезис хўжалик турмушининг қонуни бўлиб қолиши керак.

Тўғрисини айтганда, биз сўмни мустаҳкамлаб, корхоналарнинг ҳозирги хўжалик алоқалари учун жавобгарликни давлат зиммасидан соқит қила оламиз, истеъмолчига зарур бўлган маҳсулотни, даромад, фойда келтирадиган маҳсулотни ишлаб чиқаришга мажбур қиладиган ишончли бозор воситаларини ишга сола оламиз.

Реалист бўлиш лозим. Бу муаммони бир неча ой ичида ҳал қилиб бўлмайди. Хуллас, ишлаб чиқариш кескин камайиб кетишига йўл қўймаслик учун яқин вақтларда хўжалик алоқаларини маъмурий усуллар билан ҳам сақлаб туришга тўғри келади. Айтмоқчи, иқтисодиёт соҳасида худди шундай танг вазият орқали ўтган барча мамлакатлар худди шундай ҳаракат қилган.

Ислоҳотларнинг мухолифлари бозорга ўтиш сўзсиз равишда келтириб чиқарадиган қийинчиликларни деб қилиб, маҳсулот ишлаб чиқариш фалокатли даражада камайиб кетиши, оммавий ишсизлик юз бериши билан қўрқитмоқдалар. Ҳолбуки, мамлакатда ўткир иқтисодий танглик, энг муҳим молларнинг етишмаслиги ва мамлакатни жаҳондаги энг бой ва гуллаб-яшнаган ўлкага айлантириш имконини берадиган чинакам битмас туганмас резервлар бир-бирига чирмашиб кетмоқда.

Маъмурий-буйруқбозлик системаси ана шу резервларни яширишга мажбур қиларди, хўжалик соҳасида ташаббускорлик, омилкорлик кўрсатганларни қаттиқ жазоларди. Ҳолбуки, кордон, ресурслардан самарали фойдаланишнинг янги имкониятларини топадиган одам бозор иқтисодиётида асосий кучдир. Бозор ва рақобат шароитига тушган айни шундай одам беҳуда ётган ишлаб чиқариш имкониятларини ишга сола олади.

Шу сабабли унинг обрўсини ошириш, ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилиш шу қадар муҳимдир. Аввало омилкорликка қарши қаратилган барча қоидаларни қонунлардан чиқариб ташлаш зарур. Буни тезда қилиш лозим. Ижтимоий онгдаги сийқа тасаввурларни бартараф этиш эса анча мураккаб, кишилар онгида «корчалон» ва «жиноятчи» тушунчалари бир-бирига қўшилиб кетган.

Биз бунга қанчалик тезроқ эришсак, иқтисодий тараққиётни жадаллаштиришда, халқ турмуш даражасини оширишда силжишлар шу қадар салмоқли бўлади.

Кордонлик фаоллиги ресурсидан фойдаланиш учун бозорнинг тегишли ёрдамчи тармоқларини, маърифатли бозор ишига хизмат қилувчи муассасаларни тузиш лозим, албатта. Гап товар ва фонд биржалари, тижорат банклари системаси, улгуржи савдо корхоналарининг кенг тармоғи ҳақида бормоқда. Сизларга тақдим этилган ҳужжатда буларнинг ҳаммаси кўзда тутилган.

Янги ижтимоий сиёсат ҳам ўзгариб бораётган иқтисодий шарт-шароитларга мос бўлиши керак. Биз аввал бошданоқ жамиятимизга қандайдир умумиттифоқ ижтимоий таъминоти деб қарашни, таркиб топган андозаларни бартараф этишимиз лозим. Ижтимоий сиёсат эътиборининг маркази ҳар бир инсоннинг юқори унумли меҳнат қилиши сабабларини кучайтириш томонга бурилиши керак. Бу даромадларни кўпайтириш учун асосий шарт эканлигини тушуниб олишимиз зарур.

Меҳнат қила олмайдиган ҳар бир киши жамиятнинг ёрдамига умид қилишга ҳақлидир. Аҳолининг ижтимоий жиҳатдан нозик табақаларига, биринчи навбатда пенсионерларга, ногиронларга, кўп болали оилаларга ёрдам беришнинг махсус дастурлари амалга оширилади.

Давлат корхоналарни ҳимоя қилишдан воз кечиб, одамларни ҳимоя қилади. Иш жойини ўзгартиришга тўғри келаётган одамлар ишга жойлаштиришда, янги ихтисосни эгаллашда ва бошқаларда ёрдам олиш имкониятига эга бўладилар. Бунга дарҳол муваффақ бўлмаган кишилар маълум вақт тирикчилик қилишга имкон берадиган нафақа оладилар.

Ҳаммамизни ташвишга солаётган масала — бу чакана нархлар масаласидир. Бозор шароитида нарх-наво ўзгарувчан бўлиши, талаб ва таклифга қараб белгиланиши лозим, албатта. Давлат ўтиш даврида кундалик зарур бўюмлар чакана нархлари қиймматлашишини тўхтатиш учун ҳамма ишни қилади. Энг муҳим молларга қайд этиб қўйилган давлат нархлари жорий этилади.

Нархлар ўзгарган тақдирда пенсиялар, нафақалар, стипендиялар, қайд этилган даромадлар, жумладан муаллимлар, врачлар, олимлар, ҳарбий хизматчилар, давлат муассасалари ходимлари даромадлари индексация қилинади, яъни истеъмол бозоридаги қийматнинг ўсишига мувофиқ равишда кўпайтирилади.

Нарх сиёсатининг муваффақияти биринчи навбатда молияни, пул муомаласини барқарорлаштиришга қаратилган чораларимиз қанчалик самарали бўлишига боғлиқ. Улгуржи ва харид нархларининг ўзгариши ҳам кўп жиҳатдан шунга боғлиқ. Ана шу нархларга давлат томонидан таъсир ўтказиш воситалари асосий йўналишларда кўзда тутилган.

Бозорга ўтиш чет мамлакатлар билан иқтисодий муносабатларни кенгайтиришни, бу муносабатларни сифат жиҳатдан янги босқичга олиб чиқишни объектив тарзда талаб қилади. Жаҳон бозори шафқатсиз рақобат эканлигини, маҳсулот сифатига, олинган мажбуриятларни аниқ бажаришга юксак талаб эканлигини тушуниб олишимиз керак. Жаҳон бозорига фақат хом ашё ресурслари билан эмас, тайёр маҳсулотлар билан чиқиш учун пухта мувофиқлаштирилган кўч-ғайрат, яхши ўйланган, аниқ мақсадни кўзловчи структура ва техника сиёсати зарур.

Бизда ҳамма жойда бемалол муомалада бўладиган сўм тўғрисида кўпинча қандайдир олис истиқбол сифатида, деярли ўнлаб йиллар давомида бўладиган иш тарзида гапиришмоқда. Ҳолбуки, бу халқаро бозорда интеграцияга ёриб ўтишни таъминлаш учун яқин вақт ичида ишга солиш лозим бўлган жуда муҳим воситадир.

Бозорга ўтиш босқичида хорижий молия ресурсларини жалб этиш тўғрисида мамлакатимизда ҳам, чет элларда ҳам қизғин мунозара бормоқда. Тўғри, хорижий молия ресурсларини жалб этишни фойдали ва зарур деб ҳисоблаймиз. Бу хусусда айрим мамлакатларга ҳам, халқаро ташкилотларга ҳам мурожаат қилдик. Ҳозир музокаралар бормоқда.

Муаммоларимизни биз учун кимлардир ҳал қилиб беради, деб ўйламаслик керак, албатта. Лекин четдан молиявий ресурсларни жалб этиш иқтисодий ислоҳотнинг ўтишини анча осонлаштиради. Бу ўринда камида иккита савол туғилади.

Биринчиси. Таассуфки, биздан асосли равишда сўрашмоқда: ҳозирча Иттифоқда жумҳуриятлар ўртасидаги муносабатлар тартибга солинмаган, ташқи иқтисодий шартномалар тузиш тенглигида низолар юз бераётган экан, жиддий молиявий музокараларни олиб борганда ҳеч қандай савол туғилмаган бўларди. Ана шундай тушунчага асосланиб биз амалда ҳаракат қилишимиз лозим.

Таассуфки, нутқда аслини олганда муҳолифлик сабаблари, салмоқли далиллар ва таклифлар ўрнига қаттиқ гаплар бўлди. Ҳақиқатан ҳам нутқнинг оҳангига бир қулоқ солинг: «марказнинг ўзбошимчалиги», «қаттиқ қарама-қаршилик», «Россиянинг иқтисодий асослари ва мустақиллигини мустаҳкамлашни хоҳламаслик», «халқни атайлаб алдаш»да айблаш. Мамлакатнинг олий раҳбариятини «Россиянинг 150 миллионли аҳолисини менсимаслик»да айблаш мутлақо муносиб иш эмас.

Мен юқорида айтганимдек, депутатлар мурожаатларида бундай деб сўрамоқдалар: «Халқ хўжалигини барқарорлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий йўналишлари»га сўзсиз салбий муносабатни, белгиланган йўл сўзсиз барбод бўлади, деган гапларни, айниқса бу қатъий баҳолар ССЖИ Президенти ҳужжатни имзолагандан сўнг бир неча соат ўтгач, уни РСФСР Олий Кенгашида ҳеч қандай муҳокама қилмай берилганлигини қандай тушуниш мумкин?

Мазкур масалада Борис Николаевичга унинг маслаҳатчилари панд бериб қўйишди, деб қўрқаман. Бу гапларга батафсил жавоб қайтариш учун зарурат йўқ деб ўйлайман, ўртоқлар. Депутатларнинг қўлида барча ҳужжатлар бор, уларни ўрганиш ва ўзаро қиёслаш учун сизга анча вақт берилди. Ўртоқ Ельциннинг гаплари юмшоқроқ қилиб айтганда ғалати десам фикримга қўшилсаларинг керак.

Сўнгра нутқда марказ пулнинг қадрсизланишига янги туртки берадиган тадбирлар комплексини амалга оширмоқчи бўляпти, деб таъкидланади. Бу гапда ҳақиқат бор. Мен бу ҳақда гапириб ўтдим. Лекин жумҳурият раҳбар идоралари гўшт харид нархларини муддатидан олдин жорий этиш тўғрисида қарор қабул қилиб, мамлакатда пулнинг қадрсизланиши жараёнлари жадаллашишига кескин туртки берганлиги ҳам ҳақиқатдир. Бу ана шу тусдаги бирдан-бир қарор эмас.

Биласизларми нима, менда Россия раҳбарияти қийинчиликлар олдида маълум даражада чекинмоқда ва эҳтимол тутилган барча қийинчиликлар учун бутун масъулиятни марказий ҳокимият идоралари зиммасига юкламоқчи бўляпти, деган тасаввур вужудга келмоқда. Чекиниш учун йўл ҳозирлаб қўйиляпти. Унга ишнинг оғирини амалий ишларга қаратадиган вақт келди деб ўйлайман.

Ўртоқ Ельцин ислоҳот ўтказиш учун иттифоқ тузиш тўғрисидаги масалани қўйиб буни ҳам қандайдир қатъий талаб оҳангида айтмоқда, унга шу қадар мухолифлик хуружи ва зўрликни тиқиштирмоқдаки, ана шу ниятларнинг самимийлигига шубҳа туғилмоқда. Ўртоқ Б. Н. Ельцин иттифоқ тузишни таклиф этиб, шу қадар берилиб кетдики, чамаси у ҳатто Иттифоқда яна 14 та мустақил жумҳурият борлигини унутиб қўйди.

Ҳозир биз кўриб чиқаётган ҳужжат хусусида билдирилган салбий фикрлар ортида амалий далиллар эмас, балки қандайдир ўзгача, эҳтимол, сиёсий мулоҳазалар турибди, деган тасаввур пайдо бўлмоқда. Бу фикрим нотўғри бўлиб чиқишини хоҳлар эдим. Аммо биз ҳаммамиз ҳозирги ташвишли вазиятда мамлакат ҳаётий манфаатларига даҳлдор бўлган иқтисодиётни барқарорлаштириш дастурини сиёсий ўйин воситасига айлантириш ахлоққа зид эканлигини тушуниб олишимиз керак. Бу дастурнинг муваффақиятсиз чиқиши ҳеч кимга фойда бермаган, барча одамларга кулфат ва ғамташвиш келтирган бўлур эди.

Хуллас, мен ҳаммани — ССЖИ Олий Кенгашидагиларни ҳам, Россия Олий Кенгашидагиларни ҳам, бошқа жумҳуриятлар ҳокимияти олий органларидагиларни ҳам ҳаракатларнинг, барқарорлаштириш ва бозорга ўтиш сиёсатини амалда рўёбга чиқаришга доир биргаликда ишлашнинг ҳозирги шароитдаги бирдан-бир оқилона ва ўзини оқлаган вариантини қабул қилишга даъват этмоқчиман.

Шу муносабат билан сиёсий иттифоқ тузиш мумкинлиги тўғрисида ҳам гапирмоқчиман. Жамиятдаги уни социалистик йўл доирасида янгилаш учун курашаётган барча демократик кучларни жипслаштириш даврнинг энг муҳим талаби эканлиги ҳақида мен кўп марта гапирдим.

Бу шунчаки умумий гап эмас, балки ишчилар синфининг, деҳқонлар ва зиёлиларнинг барча сиёсий ва жамоат ҳаракатларига, ташкилотларига қаратилган ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги аниқ таклифдир.

БУГУН ДАВЛАТ ТИЛИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН

РЕЖАЛАР-КУ КЎП...

Ошкоралик, демократия туфайли ҳаётимизда туб ўзгаришлар содир бўлди. Яқин-яқинларгача ўзбек тилини билмаслик (ёки билмасликка олишлик!) яхши бир хислат, рус тилини яхши билиш юксак маданият белгиси ҳисобланар эди. Энди бўлса ўзбек бўлатуриб, Ўзбекистонда яшаб туриб, ўзбек тилини билмаслик уят бўлиб қолди. Бу жамоатчиликнинг қаттиқ кураши, жонбозлиги туфайли қўлга киритилган катта ютуғи бўлиб, Ўзбекистон Олий Кенгаши ўзининг ўтган йил 21 октябрда бўлган сессиясида буни қонунлаштириб берди.

Ҳамма нарсани ҳам инкор қилиш, нуқсонини топиш унчалик қийин эмас, аммо шу нуқсонни йўқотиш йўлини кўрсатиш ва биргалашиб, енг шимариб шу камчиликларни бартараф қилишга қатнашиш ҳамманинг ҳам қўлидан келмайди.

Ўтган бир йил ичида ўзбек тилини ўрганиш учун ажратилган соатлар кўпайди, ўқитувчиларни тайёрлаш ва ишлаб турган ўқитувчилар малакасини ошириш режалари амалга ошяпти, рус мактаблари ва гуруҳлари учун ўзбек тилидан махсус ўқитувчилар тайёрлаш бошланиб кетди (ахир 1985 йилгача рус мактабларида ўзбек тилидан меҳнат ўқитувчиси ҳам, химия, биология ўқитувчиси ҳам дарс бериб кетаверар эди. Ишқилиб, ўзбек тилини билса, бўлди). Бу фан бўйича имтиҳонларнинг ҳам бўлмаслиги, соатларнинг жуда камлиги билан ҳам, фаннинг ва ўқитувчининг обрўйи билан ҳам ҳеч ким қизиқмас эди.

Халқимиз эски ўзбек ёзувини ўрганишга ҳозирданоқ астойдил киришиб кетди, (ваҳолонки, эски ўзбек тили мактаб ва институтларда 1991—1992 ўқув йилидан бошланиши керак). Бу соҳада қатор қўлланмалар нашр этилди. Давлат тилини билгайдиганлар учун кўп идора ва бошқармаларда махсус тил тўгараклари, деярли ҳамма институтларда ўзбек тили ва адабиёти кафедралари очилди. Энди бемалол давлат тилида ариза ва шикоятларни топшириш мумкин, суд идораларида расмий ҳужжатлар ва суд жараёнининг ўзи ҳам ўзбек тилида бўлиши мумкин. Кўплаб кўча, шоҳкўчаларнинг номи, идора ва муассасаларнинг номлари ўзбекча бўляпти. Қатағон бўлганларнинг, айниқса, зиёлиларнинг пок номлари тикланяпти, асарлари чоп этиляпти. Давлат тилини билмаганлар учун кўп идора ва корхоналар бепул тўгараклар очиб қўйилган, радиодан мунтазам дарслар олиб бориляпти.

Ўзбек халқи меҳмондўст, сертавозе халқ. Жумҳуриятимизда ҳамма тилларнинг ҳам вазифа доираларини кенгайтириш учун шароитлар яратилган: янги боғча, мактаб ва синфлар очилди, махсус газеталар чоп этиляпти, миллий марказлар тузиляпти. Байналмилал кечалар ўтказиляпти. Ҳозир ҳамма идора ва бошқармалар расмий ҳужжатларини давлат тилига таржима қилиш устида иш олиб бормоқдалар, кўплаб бошқа миллат вакилларининг Давлат тилида сўзлашишга интилишлари мақтовга сазовордир.

Давлат тили ҳақидаги Қонунни амалга ошириш учун 1990 йил 19 февралда, ҳукумат давлат дастурини қабул қилди, унда ҳар бир вазирлик, қўмита ва идораларнинг аниқ вазифалари белгилаб чиқилди. Жумҳурият олий давлат ва ҳукумат идораларида (ЎзССЖ Олий Кенгаши ва Вазирлар Кенгаши), Фанлар академиясида мажлислар, кўп баённомалар (протоколлар) давлат тилида олиб борилади. Шунисси қизиқарлики, кўп район (ноҳия) ларда ҳам шу тартиб ўрнатилган. Ҳужжатлар ва ўзаро мулоқот давлат тилида бўлади.

Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг бажарилишини назорат қилиш учун бирор ташкилот тузилмаган бўлса-да (бундай ташкилот жуда ҳам керак!), аммо Қонунни бажариш учун ЎзССЖ ҳукумати раиси Ш. Р. Мирсаидов раҳбарлигида Жумҳурият комиссияси ташкил этилган. Комиссия вилоят ижроқўм раисларининг, айрим вазир ва раҳбарларнинг ахборотини эшитиб, ишига баҳо бериб боради. Қонун бўйича шундай комиссиялар вилоят, шаҳар ва районларда вазирлик ва қўмиталарда, ташкилот ва идораларда ҳам ташкил этилган. Аммо бу ташкилотларда яхши режалар тузилган бўлса-да, улар амалга оширилмаётир, ҳатто кўп раҳбарлар тил бўйича комиссия раислари вазифаларини ўринбосарлари зиммасига юклаб қўйганлар, уларнинг кўплари бу муҳим ишдан бехабардирлар, комиссияларда бирорта вилоят, шаҳар ёки район (ноҳия) раҳбарининг ҳисоботи эшитилиб, баҳо берилмаган. Кўп жойларда кўча, идора, муассаса номлари, пешлавҳалар ўзгармай турибди, ўзаро мулоқот ҳам ўзгармаган. Педагогика институтлари, дорилфунунлар вилоят ва шаҳар ташкилотларининг яқин ёрдамчиси ва маслаҳатчиси бўлишлари керак эди. Деярли ҳамма олий ўқув юртлари бундай вазифани бажармаяпти. Ҳатто кўп тиббий ва техник олий ўқув юртларида (студентларнинг миллий гуруҳларида ҳам) дарслар рус тилида, расмий ҳужжатлар, кўргазмали қуроллар ҳам бир тилда — рус тилида бўлиб келмоқда.

Қонун бўйича айрим корхоналарда ва ташкилотларда мулоқот ва расмий ҳужжатлар рус, ўзбек тилларида бўлиши керак. (Агар кўпчилик давлат тилини билмаса. Қонуннинг 7-моддаси). Аммо бундай ташкилот ва корхоналарнинг рўйхатини ҳали Вазирлик Кенгаши ҳалигача тасдиқлагани йўқ.

Яна муҳим масалалардан бири — расмий ҳужжатларнинг муҳр ва штампларнинг қўлланма, бланкаларнинг давлат тилига таржима қилиниши зарурлигидир. Ҳозирча кўп ташкилотлар бу ҳужжатларни ўзича таржима қилиб келяпти. Аммо Ҳукумат қарорига кўра, улар бир шаклда, бир мазмунда давлат тилига таржима қилиниши ва жумҳурият Атамашунослик қўмитаси томонидан расмий равишда тасдиқлаб берилиши керак. Аммо бу иш ҳам ҳали амалга ошган эмас.

ЎзССЖ ҳукуматининг муҳим ишларидан бири — у Вазирлар Кенгаши ҳузурида атамашунослик қўмитасини ташкил этди. Бунинг сабаби: бир томондан, нутқ услуби амалий масалаларининг ечилмагани бўлса, иккинчи томондан, илмий-техника адабиётида ҳаддан ташқари кўп рус-байналмилал сўзларининг қўлланиши бўлди. Бу ҳол ўзбек тилида дарс беришни ҳам, дарслик яратишни ҳам, расмий ҳужжатларни таржима қилишни ҳам қийинлаштиряпти. Атама қўмитасига ҳаммаси бўлиб 5 ходим ва бир котиба ажратилган. Фаннинг 18 соҳаси бўйича бўлим ва секциялар ташкил этилган. Бу бўлим ва секциялар жамоатчилик асосида ишлайди. Ҳозиргача Атамашунослик қўмитаси мингдан ортиқ ижтимоий-сиёсий ва тиббиётга оид атамаларни, олий ўқув юртларида атамаси бўлган учта атама луғатини, йигирмадан ортиқ ташкилот ва идоранинг ички атама ва номланишларини тасдиқлади. Аммо Атамақўм бўйича қабул қилинган ҳукумат Фармойиши (1989 йил 26 декабрь), Қарори (1990 йил 19 февраль), ЎзССЖ ФА раёсати қарорлари бажарилмас экан (атама луғат тузишни илмий режаларга киргазиш, ЎзССЖ ФА раёсати ва нашриётлар қошида атамашунослик кенгашлари ташкил этиш, ЎзССЖ Тил ва адабиёт институти, йирик олий ўқув юртларида атамалуғат тузиш бўйича ихтисослашган бирлашмалар тузиш, Атамақўмга зарур шароитлар яратиб бериш, фан бўлим ва секцияларига биттадан ходим ажратиш каби) атамашунослик масаласини тузатиш қийин бўлади.

Давлат тили ҳақидаги Қонунни амалга оширишда айрим моддаларга маълум муддатлар белгиланганини ҳисобга олиш зарур. Бундай ҳолда шундай муддатларни олишга ҳаққи бўлган идора ва ташкилотлар 3,5-8 йиллик тадбирлар белгилаб, Қонунни босқичма-босқич амалга оширишлари керак. Иккинчи томондан, Қонунни амалга оширишда вилоят ва шаҳар аҳолисининг миллий таркибини ҳам ҳисобга олиш шарт (масалан, Тошкент, Бекобод, Олмалиқ, Ангрен, Фарғона, Навоий каби шаҳарларда рус ва русча гаплашадиган миллатларнинг нисбатан кўплиги, Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларда тожикларнинг анча фоиз ташкил этиши каби).

Давлат тили Қонунининг амалга оширилиши Халқ таълими вазирлиги ва энг аввало, ЎзФА Тил ва адабиёт институтига боғлиқдир. Афсуски, 1990 йилга мўлжалланган кўп тадбирлар — стенографисткалар, ўзбек тилида машинка қилаолувчилар, таржимонлар, иш юритувчилар тайёрлаш суст борянти, ўзбек тили ва адабиёти кафедралари ягона бир режа ва мундарижа билан ишламайди. Тил ўрганиш тўгараклларнинг ҳам иши бироз сусайиб кетди. Тил ва адабиёт институти ҳали социолингвистик ва этнолингвистик тадқиқотларни бошлаган ҳам эмас. Идора ва муассасалар таржима техник воситалари билан таъминлангани йўқ. «СССР халқлари тиллари ҳақида»ги Иттифоқ Олий Кенгашининг Қонунига кўра, ҳар бир Иттифоқчи жумҳурият маҳаллий тилни билиш зарур бўлган ихтисосларни белгилаб чиқиши, уни тасдиқлаб, 1991 йил 1 февралдан жорий қилиши керак. Аммо бу ишга ҳам ҳали киришилган эмас.

Ўзбекистон ҳукуматининг Давлат дастурида кўрсатиб ўтилганидек, Давлат тили ҳақида Қонун қабул қилинган кун миллий байрам ҳисобланади. Биз ҳам бошқа жумҳуриятларга ўхшаб, бу байрамни Ўзбекистонда истиқомат қилувчи ҳамма халқларнинг тиллари, маданият тарихи, урф-одатлари намойиши сифатида ўтказишимиз лозим.

Ғ. АБДУРАҲМОНОВ,
жумҳурият атамашунослик қўмитаси раиси, Ўзбекистон ССЖ Фанлар академияси мухбир аъзоси.

Қонун лойиҳасини муҳокама қиламиз

ҲОКИМИЯТ СОВЕТЛАРГАМИ ЁКИ... «ЖОЙЛАРГА»МИ?

Ўзбекистон ССЖнинг матбуотда «Ўзбекистон ССЖда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ва халқ депутатлари маҳаллий Советлари тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси матбуотда эълон қилинди. Шубҳа йўқки, бундай қонун зарур. У халқ депутатлари Советларининг тўла ҳокимиятини амалда қарор топтириши, улар фаолиятини аниқ мазмун билан тўлдириши, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари амалиётида қарамликка чек қўйиши керак. Бу хусусда қонун лойиҳасини тузувчилар роса ҳаракат қилганлар. Бунинг устига ҳужжат диққат билан ўрганиб чиқилганда ҳатто афтаркияга, маҳаллий Советларнинг суверенитетига интилиш кўзга ташланади. Ҳужжатда гарчи бу иборалар ишлатилмаган бўлса ҳам унинг мазмунидан шундай ҳулоса келиб чиқади. Буни рад этиш учун лойиҳа 5-моддасининг 1-бандини, шунингдек, лойиҳанинг айрим қоидаларини келтиришлари мумкин. Уларда маҳаллий Советлар фаолияти Конституцияга ва қонунларга асосланади. Қонун лойиҳасининг 3-моддасида айтилганидек, маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг асосий қоидаларидан бири маҳаллий ва давлат манфаатларини қўшиб олиб боришдир, дейилади. Умуман олганда, лойиҳа бошдан оёқ маҳаллий Советлар ва улар органларининг тўла мустақиллиги ғояси билан йўғрилгандир.

Агар ҳуқуқий давлат қурилган бўлганида, агар биз ривожланган ҳуқуқий системага эга бўлганимизда эди, у ҳолда қонун ҳокимиятини амалга ошириш кифоя қилган бўлар эди. Ҳозирча бу йўқ нарса. Инсон фаолиятининг барча жабҳаларини тартибга солиб турадиган ўнлаб ва юзлаб қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш механизмини таъминлаш керак бўлади. Ана шундагина қонун ҳокимияти кафолатланади, деб ҳисоблаш мумкин. Ҳуқуқий давлатга ўтиш шароитларида эса, бу жараён узоқ давом этиши мумкин, барча олий ва маҳаллий давлат органлари ҳамда бошқарувнинг аниқ ўзаро биргаликдаги ҳаракатини таъминлаш зарур.

Маҳаллий Советлар узоқ вақт мутлақо ҳуқуқсиз бўлиб келдилар. Маҳаллий турмушнинг энг оддий масалаларини ҳам мустақил ҳал эта олмасдилар, улар бутунлай ўзларидан юқори органларга қарам эдилар. Бу ҳаддан ташқари, ҳолат эди. Аммо эндиликда биз бошқа ҳаддан ташқари ҳолатни хоҳлаяпмиз, юқори органлар ва бошқарув таъсирини бутунлай истисно этишни хоҳлаяпмиз. Афтидан демократия ҳали гарчи мукаммаллашган бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда у ҳийла юқори даражага эришди. Давлат ҳокимиятининг олий органлари ҳозир илгари бўлганидек эмас, улар демократик йўл билан сайланган ва республика бутун аҳолисининг хоҳиш-иродасини ифодалайди. Ҳар бир маҳаллий Совет ягона бир бутунликнинг таркибий қисми ҳисобланади. Организмнинг бутунлигини бузиш мумкинми? Фикримизча, бутун ҳокимиятни олий органларга бериш мумкин эмас. Ва, худди шунингдек, уларни жойларда таъсир ўтказишдан бутунлай маҳрум қилиш ҳам мумкин эмас. Жойлар ва марказ манфаатларини оқилона уйғунлаштириш, давлат механизмининг барча бўғинлари ўртасида мувофиқлик бўлиши зарур.

Бизнинг назаримизда муҳокама қилинаётган қонун лойиҳасининг асосий камчилиги унда вертикал боғланишнинг йўқлиги. Ўзбекистон ССЖнинг ҳозирда амал қилиб турган Конституциясига зид эканлигидадир.

Конституциянинг 135-моддасида шундай деб ёзилган: «Халқ депутатлари маҳаллий Советлари маҳаллий аҳамиятга молик ҳамма масалаларни умумдавлат манфаатларига ва шу Совет территориясида яшовчи гражданларнинг манфаатларига асосланиб ҳал этадилар, юқори давлат органларининг қарорларини амалга оширадилар, қуйи халқ депутатлари Советлари фаолиятига раҳбарлик қиладилар, республика ва умумиттифоқ аҳамиятига молик масалаларни муҳокама қилишда қатнашадилар, шу масалалар юзасидан ўз таклифларини киритадилар».

Конституция моддаси матнидан кўриниб турибдики, маҳаллий Советлар ягона умумжумҳурият давлат механизмига узвий равишда қўшилиб кетади. Янги қонун лойиҳасида эса маҳаллий ўзини-ўзи бошқаришнинг асосий ҳалқаси сифатида маҳаллий Советлар сайланиш принциплари асосида ҳаракат қилади, омманинг хоҳиш билдиришига, қонунийлик, ҳокимиятни тақсимлаш, мустақиллик ва масъулиятлилик принципларига, коллегиаллик, ошкоралик ва жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга, маҳаллий ва давлат манфаатларини уйғунлаштиришга суянади, деб ёзилган. Ўзаро боғлиқлик, маҳаллий Советларнинг ҳокимият юқори органларига бўйсуниши тўғрисида бир оғиз ҳам сўз айтилмаган. Бунинг устига лойиҳанинг 8-моддасида халқ депутатлари маҳаллий Советлари Ўзбекистон ССЖ Қонунларига мувофиқ ўз идораларини тузадилар, уларнинг тузилиши ва штатларини мустақил белгилайдилар, деб ёзилган. «Халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижро этиш ва бошқарув идоралари уларни тузган **Советларгаёки** бўйсунадилар», дейилади Қонун лойиҳасида. Бу билан Ўзбекистон ССЖ Конституциясининг 144-моддаси йўққа чиқарилади. Ваҳолонки, ана шу моддада халқ депутатлари маҳаллий Советларининг ижроия комитетлари ўзларини сайлаган Советга ҳам, шунингдек, юқори ижро этувчи ва бошқарув органига ҳам бевосита ҳисоб берадилар, дейилган. Қонун лойиҳасига кўра, гўё маҳаллий Советларнинг ижро этувчи ва бошқарув органлари учун на президентлик ҳокимияти, на жумҳурият ҳукумати мавжуд эмас. Ўзбекистон ССЖнинг ер тўғрисида қонуни қабул қилинганлигига қарамай, қонун лойиҳасида ер маҳаллий Советларнинг мулки ҳисобланади ва улар уни мустақил равишда тасарруф этади дейилган (Қонун лойиҳаси 8-моддасининг 4-банди). Ўзбекистон ССЖнинг Ер тўғрисидаги Қонунида эса ер умумхалқ мулки, умумхалқ бойлиги, уни фақат Олий Совет тасарруф этади дейилган.

Ўзбекистон ССЖнинг Ер тўғрисидаги Қонунида шундай ёзилган: «Ерга мулкчилик ҳуқуқини Ўзбекистон ССЖ Олий Совети ва Қорақалпоғистон МССЖ Олий Совети амалга оширади, улар ушбу қонунга мувофиқ ер муносабатларини тартибга солишга доир баъзи масалаларда ҳуқуқларни халқ депутатлари маҳаллий Советларига берадилар. Шундай қилиб, матбуотда эълон қилинган Қонун лойиҳаси бундан атиги 3 ой илгари қабул қилинган Ўзбекистон ССЖ Қонунига мувофиқ келмайди. Қонун лойиҳаси маҳаллий Советларнинг учта ҳудудий даражасини белгилайди: 1) (қишлоқ), овул, посёлка, районга бўйсунадиган шаҳарларнинг шаҳар, шаҳарлардаги район Советлари; 2) район, шаҳар Советлари ва 3) вилоят, Тошкент шаҳар Советлари. Дастлабки икки территориал даражалар қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни сақлаш маҳаллий Советлар ваколотига киримайди. Фақат учинчи даражада Советлар қонунчиликни таъминлаш, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ва жамоат хавфсизлиги соҳаларида ваколотни амалга оширадилар. Ваҳолонки, демократияни ривожлантиришнинг асосий шартларидан бири қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни сақлашдир. Акс ҳолда бу демократия эмас, тартибсизлик ва бошбошдоқлик бўлади. Қонун лойиҳаси турли территориал даражалардаги маҳаллий Советларнинг ижро қилувчи ва бошқарувчи органлари ўзаро муносабатини тартибга солади ва лойиҳада адолатли равишда кўрсатилганидек, маҳаллий Советлар ижро қилувчи ва бошқарувчи органларининг умумтерриториал аҳамиятга эга бўлган масалалар бўйича қарорлари шу территорияда амал қилувчи Советлар ижро қилувчи ва бошқарувчи органлари учун, улар ўртасида йўлга қўйилган шартномалар ва Советнинг компетенцияси доирасида ижро этиш учун мажбурийдир. Нима учун шу ернинг ўзида Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорлари республиканинг барча ижро қилувчи ва бошқарувчи органлари учун мажбурийдир, дейиш мумкин эмас? Шу йилнинг март ойида Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриятининг бошлиғи лавозими — Ўзбекистон ССЖ Президенти таъсис этилди. Бироқ вилоятлар, районлар ва шаҳарларда Президентлик ҳокимиятининг жойларда Президент Фармонларини амалга оширилиши учун жавоб берадиган ва Президент олдида шахсан масъул бўлган вакиллари йўқ. Қонунчиликдаги бу камчиликни бартараф этиш зарурки, у ижрочилик интизомини янада мустаҳкамлашга ва Президент ҳокимиятини аниқ мазмун билан тўлдиришга хизмат қилган бўлур эди. Ҳозирча муҳокама қилинаётган қонун лойиҳаси маҳаллий ҳокимият мустақиллиғини таъминлашга йўналтирилган. Шу ўринда кимдан мустақил бўлинади, деган савол туғилади.

33-моддада шундай дейилади: «Халқ депутатлари маҳаллий Советлари тегишли ҳудудлар бюджетларини аҳоли манфаатларини кўзлаб мустақил равишда ишлаб чиқадилар, тасдиқлайдилар ва ижро этадилар. Маҳаллий бюджетларни ишлаб чиқиш, тасдиқлаш ва ижро этиш жараёнларига юқори органларнинг **аралашувига** йўл қўйилмайди».

Бу ерда, табиийки, шундай савол пайдо бўлади: агар жойдаги ички ишларга бошқа давлат аралашадиган бўлса — бунга йўл қўйиш мумкин эмас. Агар маҳаллий Совет маҳаллий бюджетни ишлаб чиқиш ва ижро этишда ҳукуматдан ёрдам илтимос қилсачи, бунда қандай бўлади? Нима учун қонун лойиҳаси сабабсиз равишда олдиндан юқори органларнинг аралашувига салбий муносабат кайфиятини туғдирмоқда. Шу нарсани ҳам ҳисобга олиш лозимки, исталган вилоят, исталган район — бу мустақил мулклар бўлмай, ягона суверен Ўзбекистоннинг ажралмас узвий қисмидир ва жойларни марказга ҳеч қанақанги қарама-қарши қўйиш мумкин эмас ва худди шунингдек бирон кимса ўз ҳокимиятини суиистеъмол қилиши ҳам мумкин эмас. Айни бир вақтда 34-моддада даромадлар етарли бўлмаган тақдирда маҳаллий бюджетларга юқори бўғиндаги бюджетлардан дотациялар, субвенциялар ва субсидиялар ўтказилиши мумкин, деган пункт мавжуддир. Агар қийин бўлса ёрдам бер, агар ишлар яхши бўлса аралашма, экан-да. 40-моддада табиат ресурсларидан, айтайлик газ, нефть ва бошқалардан фойдаланиш тегишли территорияда фақат халқ депутатлари маҳаллий Советларининг розилиги билан ҳал қилинади деган қоида бор.

Шундай қилиб, қонун лойиҳаси маҳаллий Советлар ҳокимиятини тўлалигича таъминлаш йўлини аниқ ифодалаган, республика олий ҳокимиятига эса бунга рози бўлиш ёки бўлмаслик ҳуқуқигина қолдирилган.

Х. ОДИЛҚОРИЕВ,
юридик фанлари кандидати,

М. МИРҲАМИДОВ,
доцент.

• Фанимиз заҳматкашлари

ҲАЁТБАХШ ҚЎЛЛАР

Хастахонага оғир бемор олиб келинди. Унинг учун ҳозирги сонияли ҳаёт ғоят ширин, азиз ва муқаддас эди. Ана шу муқаддас илинж негадир ундан узоқлашаётганга, кўзларидаги нур ҳиралашаётганга ва ниҳоят, олис уммон сари талпиниб бораётганга ўхшарди. Лекин беморнинг умиди сўнганича йўқ. Умиди шифокорлардан.

Ҳамширалар бемор атрофида парвона. Навбатчи шифокор бемор ҳолатини текширган сайин ўйга чўмар, тусмоллар, аниқ ташхис (диагноз) қўйишга шошилмасди. Унинг тавсияси билан оғриқ қолдирадиган муолажалар қилинди. Дори-дармон берилди. Афсуски, бемор ҳамон қил устида тургандай эди.

Навбатчи шифокор ўзига таскин берди: вақтни бой бермай, усулидан йўл-йўриқ сўраш керак. Шундай деб ўйладию, яна ўзини босди. Қандай бўлар экан? Ярим тундая! Ахир устозининг ўзи вақт билан ҳисоблашмаслигини айтарди-ку! Дадил ўрнидан туриб қўнғироқ қилишга шошилди...

ИСБОТ. Фарғонанинг Навқат қишлоғида дунёга келган Исҳоқ болалигиданоқ етим қолади. Болалар уйида тарбияланиб, Фарғонадаги тиббиёт техникумига ўқишга киради. Ёш йигитнинг орзуси беморлар дардига малҳам бўлиш эди. Самарқанд тиббиёт институтида ўқиш давомида ўзининг жонкуярлиги, фаоллиги билан ажралиб турди. Талаба бўлиш билан баробар Самарқанд шаҳар соғлиқни сақлаш бўлими мудирининг муовини этиб тайинланди. Институтни тамомлаб, юқумли касалликлар кафедрасига аспирант бўлиб қолди. Айни вақтда Самарқанд ноҳия соғлиқни сақлаш бўлими мудири бўлиб ишлади. Аспирантликдан сўнг кафедрада илмий иш олиб борди. Мана шу 60 йиллик фаолиятини одамлар бахт-саодати йўлида сарфлаётган устоз Исҳоқ Қурбонович Мусабоев эди.

...Устоз хастахонага ярим тунда кириб келди. Навбатчи шифокор устозни хонага олиб кирди. Беморнинг тўлғанишидан ҳаёт шами тобора сўниб бораётгандай эди. Исҳоқ Қурбонович бемор томон энгашди. Ўзининг олтмиш йиллик шифокорлик ҳаётида бундай беморлар учун тунни тун демай, қўлдан келган ёрдамни бахшида этиб келарди. Шу сонияда яна бир беморга ҳаёт бахш этди.

Бемор ҳолати синчиклаб текширилди. Жигар ва ўт пуфагида хасталикни ўтказиб юборибди. Олди олинмаса... Мураббий хасталик ҳақидаги ташҳисини аниқ айтди. Навбатчи дона-дона қилиб ёзиб олди. Нималар қилиш зарурлигини уқтирди. Ҳозироқ бошлаш керак, ҳозир... Устоз бир зум хаёлларга эрк берди. Назаридa уруш суронлари тинимсиз айланаётгандай эди. Ушанда у жанг майдонида ярадор бўлган не-не аскарларни сақлаб қолганди. Дастлаб санитария взводига, кейинчалик 92-ўқчи бригада санитария хизматига командирлик қилди. Госпитал юқумли касалликлар бўлимининг бошлиғи бўлди. Ушанда у тиббиёт фанлари номзодлик илмий ишини ёқлаган ва партия сафига ўтганди. Олим ўз қасамёдига содиқ қолди. Қаерда бўлмасин одамлар соғлиғини ўйлади. Худди шу дамлар ўлкамиз учун малакали шифокорлар зарур эди. Жумҳурият ҳукуматининг таклифига биноан Исҳоқ Қурбонович Совет Армияси сафидан чақириб олинди. Самарқанд давлат тиббиёт олийгоҳи юқумли касалликлар кафедрасида доцент, кафедра мудири бўлиб ишлай бошлади.

1965 йил август ойининг жазирама кунларида Қорақалпоғистон мухтор жумҳуриятида бирин-кетин қандайдир маълум бўлмаган аломатларга эга касаллик тарқалди. Маҳаллий шифокорлар томонидан кўрилган даволаш чоралари наф бермади. Ич кетиш, кўнгил айниш, қусиш, титраш, ориқлаш, танадаги сувнинг йўқолиши натижасида беморлар ҳолсизланиб оламдан кўз юма бошладилар. Демак, қандайдир юқумли касаллик катта хавф солмоқда эди.

Юқумли касалликлар бўйича таниқли олим И. Қ. Мусабоевни зудлик билан Тошкентдан чақиришга тўғри келди. Аэропортдан тўғри даволаш муассасасига борган олим беморларнинг касаллик тарихини синчиклаб кўрди. Бу касаллик вабо эканлигини аниқлади. Хавфли дарднинг тарқалиб кетмаслигининг олдини олишга киришди.

Шундай қилиб, жумҳуриятимизда вабо касаллигига қарши фавқулодда комиссия тузилди. Профессор Мусабоев етакчилигида унга қарши кураш режалари тузилди. Москвадан келган академиклар Н. Н. Жуков — Бережников, В. Д. Тимаков бошлиқ мутахассислар Исҳоқ Қурбонович Мусабоев таклифини маъқулладилар. Ўз вақтида кўрилган тадбир натижасида вабо касаллигининг тарқалиш хавфи олинди.

...Бемор кўзини ҳиёл очди. Исҳоқ Қурбонович «Яхшимисиз» дегандай бош чайқади. Ҳали батамом тузалишига эрта. Лекин умидворлик аста-секин уйғониб келарди.

Устоз умри хастахоналарда ўтяпти. 1951 йилнинг 23 февралидаги қувонч — тиббиёт фанлари докторлик илмий ишини муваффақият билан ҳимоя қилгани, профессорлик, академиклик илмий унвонларининг берилиши... Ҳар бир йил, ой ва куннинг ўз зийнати бор. Ана шу зийнат, ҳурмат, муҳаббат унга толе бўлаётир. Бинобарин, у ғошчилик қилаётган кафедра...

ИСБОТ: Ҳа, мамлакатимизга ҳам машҳур кафедрада Совет Иттифоқининг барча жумҳуриятларидан келган юқумли хасталик шифокорлари ихтисос бўйича малака оширмоқдалар. И. Мусабоевнинг шогирдлари — 15 фан доктори, 85 фан номзоди жумҳуриятимиздагина эмас, балки Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон ва РСФСР шаҳарларида ҳам муваффақиятли ишламоқдалар. Жумҳуриятимизда эпидемиология, микробиология ва юқумли касалликлар илмий-тадқиқот институтининг ташкил этилишида ҳам олимнинг ҳиссаси катта. Бу ерда қарийб саккиз йил фан бўйича директор муовини бўлиб ишлаганлиги бежиз эмас. 500 дан ортиқ илмий иш ёзганлигини, шу жумладан, унинг 18 монография, 12 методик қўлланма яратганлигини айтишнинг ўзи кифоя. Кейинги йилларда кафедра олимлари академик И. Мусабоев раҳбарлигида юқумли хасталик борасида тўрт жилдлик китоб нашр эттирдилар. Бу асар барча соҳа шифокорлари учун асосий қўлланмадир.

И. Қ. Мусабоевнинг илмий ишлари Япония, Австрия, Польша, Болгария, Чехословакия, Венгрия мутахассисларига ҳам маълум. Бу ерда олимнинг асарлари чоп этилган ва худди шу усул қўллаб-қувватланмоқда. Ҳиндистон ва Бирма, Нигерия ва Япония, Австрия, Польша ва Болгарияда бўлиб ўтган халқаро анжуманлардаги илмий маърузалари. Дил сўзлари ёзилган хатлар. Изланиш, меҳр-муҳаббат билан топилган ҳурмат. Исҳоқ Қурбонович унвонининг ўзи бир талай. «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач» унвонига Улуғ Ватан уруши йилларидаёқ сазовор бўлди. «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби», «Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби», СССР Тиббиёт Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги...

...Орадан ўн кун ўтди. Бемор каравотдан туриб, ён-верига ўгирилди. Бугун унинг руҳияти тетик, кўзларида нур ўйнамоқда эди. Хонага кирган ҳамширадан сўроқлади.

— Опажон, ростини айтинг, мени ҳаётга ким қайтарди...

Ҳамшира юзида табассум ўйнади.

— Дўхтирлар...

Бемор энтикиб сўради.

—Исм-шарифини билмоқчийдим.

— Улар кўп, укажон.

— Масалан...

— Аввало, мураббийимиз академик Мусабоев Исҳоқ Қурбонович!

— Академик Исҳоқ Қурбонович-а?!

— Ҳа, укажон, мураббийимизнинг қўли енгил, дили пок, ҳамиша изланишда... Ишонмайсизми, ҳозир ўзлари келиб қоладилар. Ҳар куни хабар олмаса кўнгиллари тинчимайди.

Эшик очилди. Академик Исҳоқ Қурбонович босиқ одимлар билан кириб келди. Беморнинг хуш табассуми мураббий чеҳрасига ҳам ўтди. Дилини «Юзингиздан табассум аримасин» деган ўй эгаллади. Беморни яна диққат билан кузатишга эгилди.

ИСБОТ. Ҳадемай Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, СССР Тиббиёт Фанлар академиясининг мухбир аъзоси профессор И. Қ. Мусабоев таваллудининг 80 йиллигига бағишланган «Ичак юқумли касалликларининг долзарб масалалари» мавзуидаги илмий-амалий конференцияси ўз ишини бошлайди. Мураббий Исҳоқ Қурбонович конференцияда маъруза қилади. Мураббий шошилинч анжуман сари отланди.

Ж. МАҲСУМОВ,
СССР Тиббиёт фанлари академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.

М. ПИРМАТОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

●

Суратда: академик Исҳоқ Мусабоев шогирдлари даврасида.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

ССЖИ ВАЗИРЛАР КЕНГАШИДА

ССЖИ Вазирлар Кенгаши олий ўқув юртлари талабалари билан ўрта махсус ўқув юртлари ўқувчиларининг стипендиялари миқдорини аввал мўлжалланганидек 1991 йилнинг 1 сентябридан эмас, балки 1991 йилнинг биринчи январидан 33 ва 45 фоиз кўпайтирилиши хусусида қарор қабул қилди.

4 миллиондан кўпроқ талаба ҳамда ўқувчиларнинг стипендиялари оширилади.

ЛЕНИН МУКОФОТИ ВА ССЖИ ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИ ҚЎМИТАЛАРИДАН

ССЖИ Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Фан ва техника соҳасида Ленин мукофоти ва ССЖИ Давлат мукофотлари қўмитаси билан ССЖИ Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Адабиёт, санъат ва меъморчилик соҳасида Ленин мукофоти ва ССЖИ Давлат мукофотлари қўмитаси 1991 йил учун ССЖИ Давлат мукофотларига тақдим этиладиган асарларни қабул қилиш муддати 1990 йил 1 декабрда тугашини хабар қиладилар.

«Бобурнома»нинг 460 йиллигига

Бугун жумҳуриятимизда Шарқнинг улуғ адиби, шоири, олим ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур қаламига мансуб «Бобурнома» ёзилганининг 460 йиллигига бағишланган тантаналар бошланади.

Бу ўзига хос улкан маданият байрамида мамлакатимизнинг турли бурчакларидан, қардош жумҳуриятлардан, хорижий юртлардан меҳмонлар қатнашадилар. Уларнинг орасида Бобурнинг ҳаёти ва ижодини тадқиқ қилувчи, унинг шоҳ асари тўғрисида сўз юритилган мақолаларнинг, асарларнинг муаллифлари, шунингдек, адабиёт ва унинг илмига муносиб ҳисса қўшаётган ёзувчи, олимлар бор. Адабий алоқаларни ривожлантиришда, Бобур асарларини таржима қилишда жонкуярлик кўрсатаётган маданиятимиз дўстлари ҳам улкан тўйда иштирок этадилар.

Юбилей программаси ранг-баранг. Меҳмонлар, адабиёт ва санъат ихлосмандлари даставвал Ҳамза номидаги Академик драма театрининг Бобур ҳақида ҳикоя қилувчи спектаклини томоша қиладилар. Тошкент дорилфунунида «Бобурнома»нинг 460 йиллигига бағишлаб ўтказиладиган илмий-назарий анжуман «Бобурнома» ва «Шарқ ренессанси» деб аталади. Тантаналар Андижонда давом этади.

Меҳмонлар Бобурнинг уй-музейини зиёрат қиладилар. Вилоятда Бобурга ўрнатилажак ҳайкал ўрнида мармар лавҳа очилади. Шундан сўнг юбилей қатнашчилари турли корхоналар ва мактабларга ташриф буюриб, адабиёт ихлосмандлари билан учрашадилар. Андижондаги тантаналар вилоят театрида бўладиган адабий кеча билан якунланади.

«Бобурнома» юбилейи меҳмонлари Самарқандга ҳам ташриф буюриб, тарихий обидаларни зиёрат қиладилар, учрашувларда қатнашадилар. Адабиёт ва санъат мухлисларини, кўп сонли ўқувчиларни Самарқанд ва Тошкент театрларида бўладиган адабий кечалар ҳам кутмоқда.

ОЛАМ КЕЗГАН АСАР

Заҳириддин Муҳаммад Бобур беназир адиб, давлат арбоби, жасур лашкарбоши, олим ва ажойиб инсон бўлган. У Темурийлар сулоласининг сўнгги вакили бўлиб, XV аср инсонпарвар олиму даҳолари Улуғбек, Жомий, Навоий каби буюк ижодкорлар анъанасини давом эттирган.

Бобур қисқа ва бесаранжом ҳаёти давомида катта адабий ва илмий мерос яратди: ажойиб лирик шеърлардан ташкил топган «Девон», аруз ҳақидаги рисола, мусиқага оид рисола, «Мубаййин» деб номланган, назмда ёзилган, қонуншуносликка бағишланган асар, ворислик ва ҳарбий иш ҳақида рисолалар (буларнинг ҳар иккаласи йўқолган) ва ниҳоят, ўзбек классик адабиётининг шоҳ асарларидан — «Бобурнома». Адиб асарлар яратишдан ташқари туркий тилга мосланган янги алифбо ҳам ишлаб чиқди ва уни «Бобурий хати» деб атайди.

«Бобурнома» нафақат ўзбек, умуман, Октябргача бўлган адабий-тарихий асарлар орасида алоҳида аҳамият касб этади. Бу асар ҳалигача тарихчилар, этнографлар, санъатшунослар, адабиётшунослар, географлар, табиат фанлари мутахассислари, иқтисодчилар, Ҳиндистон табиати билан қизиққан мутахассисларнинг диққатини ўзига жалб этиб келмоқда.

«Бобурнома» ҳашамдор, фавқулодда мураккаб ҳадсиз-ҳисобсиз муболағалар билан яратилган сарой тарихчилари асарларидан тубдан фарқланади. Бобур ўз вазифасини ғоят оддий, оммабоп усулда, айни вақтда бениҳоя гўзал ва равон адабий тилда ёзган. Асар XV аср охири ва XVI аср бошларига оид Мовароуннаҳр, Хуросон ва Ҳиндистон халқлари тарихи бўйича қимматбаҳо маълумотлар манбаидир. Унинг ўзбек тилидаги энг қадимий нусхаси XVII асрда кўчирилган, ҳозир Ҳайдарободда сақланади.

Бобур ўз асарида бутун онгли ҳаётида бўлиб ўтган воқеаларни, йилма-йил, кунма-кун ёзиб чиқади. Афсуски, асарнинг 1508—1519 йилларга бағишланган қисмлари йўқолиб кетган. Асарда Фарғона, Самарқанд вилоятлари, Жанубий Ўзбекистон, Хирот, Қобул вилоятлари ҳақида, улардаги ижтимоий тузум, оддий халқнинг оғир ҳаёти, турмуш тарзи, урф-одати, беҳисоб урушлар, топономика, феодал давлатлари ва жуғрофий тузилишлари ҳақида қимматли маълумотлар бор. Шуниси аҳамиятлики, Бобур бошқа тарихнавислардан фарқли ўлароқ, ўзи кўрган ва иштирок этган воқеалар ҳақида ёзади.

«Бобурнома»да XV аснинг иккинчи ярмида маданий марказга айланган Ҳирот, унинг ҳокими Султон Ҳусайн, унинг шахсияти, ҳонадони, фарзандлари, сарой арбоблари, беклари ҳақида ҳеч қайси асарда бўлмаган маълумотлар мавжуд. Адибни биринчи навбатда одамлар, уларнинг ҳулқ-атвори, урф-одатлари қизиқтиради. Бобур асарида кўплаб замондошлари, давлат арбоблари, шоирлар, олимлар, мусаввирлар, хаттотлар, Султон Ҳусайннинг ўғиллари, хотинлари портретларини кузатувчанлик, зукколик билан тасвирлайди. Икки-уч сўз билан одамлар феъл-атворини очиб беради. Алишер Навоий ҳақида ҳам энг ҳаққоний маълумотни «Бобурнома»да ўқиймиз: «Алишербек назири йўқ киши эрди... Ҳеч ким онча кўп ва хўб айтқон эмас». Бобур кези келганда, ўзини ҳам аямайди, заиф томонлари ҳақида очиқ ёзади.

Асарда атроф-муҳит, айниқса ҳайвонот ва набобот дунёсини тасвирлашга адиб катта эътибор беради. Бу борада асарнинг Ҳиндистон қисми муҳим аҳамият касб этади: мамлакатнинг ўзига хос ҳайвонот олами, набобот дунёси, иқлими ҳақида қизиқарли қилиб ёзади.

Албатта, бундай маълумотга эга бўлган асар инглиз мустамлакачилари учун жуда муҳим эди. «Бобурнома» Акбар даврида уч маротаба форс тилига ағдарилган бўлса, XIX ва XX аср бошларида уч марта инглиз тилига ўгирилиб тўққиз маротаба чоп этилган. Асар немис, голландия, француз тилларига ҳам таржима қилинган. Сўнгги йилларда ЮНЕСКО Б. Граммон томонидан бажарилган французчага таржимани икки марта чоп эттирди.

«Бобурнома»нинг форсий таржимаси қўлёзмаларига Акбар даврида ажойиб юксак савиядаги мўъжаз расмлар ишланган. Шу қўлёзмаларнинг биттаси Британия музейида сақланади. Ундаги миниатюраларнинг рангли нусхаларини домла Ҳамид Сулаймон олиб келиб, 1970 йил «Бобурномага ишланган расмлар» номи остида мураккаб чоп эттирган эдилар. 1989 йилда Москвада бўлиб ўтган китоб кўргазмасида Ҳиндистондан келган китоб савдочилари «Бобурнома» мураккаъсига йигирма минг буюртма бердилар.

«Фан» нашриётининг буюртмасига биноан «Бобурнома» мураккаъсини (Деҳлидаги Миллий музейида сақланаётган форсий қўлёзма вариантини Алвор давлат музейида сақланаётган қўлёзмадаги 37 мўъжаз расмлар билан бойитиб) иттифоқ ташқи савдо нашриёти орқали чет эл босмаханаларида босириш учун топширдик. У келгуси йилда босмадан чиқади. Қомусий қўламга эга бу нодир асарнинг ҳорижий мамлакатларда оммавий нашр этилишининг ўзи жаҳонда Бобур шахси ва у яратган адабий мерос нечоғли қадрли, аҳамиятли эканлигидан далолатдир.

Фозила СУЛАЙМОНОВА.

АСАРГА ИШЛАНГАН МИНИАТЮРАЛАРДАН НАМУНАЛАР

1) Бобур Бенгалия элчисини қабул қилмоқда.

2) Бобурнинг ўғли Ҳумоюн туғилиши шарафига Кобулда ўтказилган тўй.

3) Бобур овда.

Ўзбекистон ССЖ Прокуратурасида

МЕҲНАТ—ЭНГ ИШОНЧЛИ ТАРБИЯЧИ

Ўзбекистон ССЖ Прокуратураси ҳайъатининг жумҳурият Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон ССЖ Давлат меҳнат ва ижтимоий масалалар комитети раҳбарлари, мутахассислари иштирокидаги кенгайтирилган мажлисида Сирдарё, Қашқадарё, Фарғона, Тошкент вилоятларида ва Тошкент шаҳрида умумий таълим мактаблари ва ҳунар-техника билим юртлари системасидаги ўқувчиларнинг ихтиёрий меҳнати тўғрисида қонунлар қандай бажарилаётганлиги кўриб чиқилди.

Бу масала болалар ва ўсмирлар жиноятчилигига қарши курашни кучайтириш тадбирларини ишлаб чиқиш мақсадида кўриб чиқилди. Юқорида айтилган вилоятларда совет ва партия идоралари, комсомол, хўжалик раҳбарлари ҳамда ўқув юртларининг педагог жамоалари мактаблари ва ҳунар-техника билим юртлари ўқувчиларини ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш юзасидан муайян иш қилаётганликлари таъкидланди, бу ерда ёшларнинг меҳнат тарбияси ва касб танлаш масалаларига кўпроқ эътибор бериладиган бўлиб қолди.

Шунга қарамай, прокуратура ҳайъати мажлисида жиддий хавотирлик ва ташвиш билдирилди. Балоғатга етмаганлар орасида жиноятчилик кўпайиб бормоқда. 8 ой давомида ўсмирлар содир этган жиноятлар сони ўтган йилнинг шу даврида-гига нисбатан жумҳуриятда 29,6 фоиз, Тошкент шаҳрида, Қашқадарё, Наманган, Фарғона ва Самарқанд вилоятларида эса 35—94 фоиз кўпайди. Шу жумладан, ўтакетган вахшийлик, сурбетлик ва шафқатсизлик билан содир этилган жуда хавфли, оғир жиноятлар ҳам кўпайди.

Муҳокама қатнашчилари ўқишдан бўш вақтда ўсмирларнинг иш билан банд бўлмаслигини мактаб ва ҳунартехника билим юртлари ўқувчилари орасида жиноятчиликнинг кўпайишига таъсир қилаётган омиллардан бири, деб атадилар. Меҳнат ва халқ таълими масалалари билан шуғулланувчи идоралар, мактаб ўқувчиларининг қонунда кўзда тутилган ўқишдан бўш вақтдаги ихтиёрий меҳнати тўғрисидаги қоидаларнинг жойларда ижросини таъминлаш лозим бўлган касаба уюшмалари кенгашлари, комсомол ташкилотлари ушбу қоидани амалга ошириш учун ҳозирча етарли чоралар кўрмаётирлар.

Бирорта районда ҳам бу йил бўш вақтида меҳнат қилишни хоҳлаган ўқувчи ёшларни ишга жойлаштириш учун корхоналарда иш жойи ажратиш режалаштирилмаган. Тошкент вилоят халқ таълими бошқармаси бундан икки йил муқаддам тасдиқланган мазкур қоидани фақат шу йил ёзда, июнь ойидагина ўз қарамоғидаги ташкилотларга етказди.

Ўқувчи ёшлар орасида уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этишга қаратилган тушунтириш ишлари қониқарсиз олиб борилмоқда, бўш вақтларида ишлаб чиқаришда шуғулланиш истагини билдирган ўқувчиларга таъсирчан ёрдам берилмаяпти. Тошкент, Фарғона, Қўқон, Қарши, Чирчиқ, Олмалиқ, Янгийўл, Сирдарё, Гулистон шаҳарларида 1989—1990 йилларда аҳвол худди шундай бўлди, бу шаҳарларда кўпгина ўсмирлар меҳнат қилиш муддаоларини амалга оширолмадилар. Бу иш билан ўқув юртлари ҳам, меҳнат идоралари, корхоналарнинг маъмуриятлари ҳам қизиқмадилар.

Аҳолини ишга жойлаштириш, қайта ўқитиш ва касб ўргатиш ҳудудий марказлари ўқувчи ёшларга зарур эътибор бермаётирлар, ҳолбуки юқорида айтилган қоида уларга бевосита тааллуқлидир. Корхоналарда таътил даврида ўқувчиларни вақтинча ишга олишни тартибга соладиган ана шу қоида талаблари, ишлаётган ўсмирларнинг меҳнат ҳуқуқлари қўплаб бузилишига йўл қўйилмоқда.

Ҳайъат мажлиси ана шу ва бошқа бузилишлар, ўқувчи ёшларнинг ихтёрий меҳнати тўғрисидаги қонун жойларда қониқарсиз бажарилаётганлиги меҳнат тўғрисидаги қонунлар бажарилиши устидан назоратнинг бўшаштириб юборилиши оқибати эканлиги таъкидланди. Қонун бузилишининг олдини олиш ва бундай бузилишларни бартараф этишда прокурор назорати усулларининг ўз вақтида амалга оширилишига эришиш ва самарадорлигини қатъиян юксалтириш лозим.

Муҳокама натижалари юзасидан қарор қабул қилинди. Унда ўқувчи ёшларнинг ихтиёрий меҳнати тўғрисидаги қонун талабларини тағин ҳам самаралироқ бажаришга, бу қонун ижроси учун мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини оширишга қаратилган таклифлар бор.

(ЎзТАГ).

• Каспаров—Карпов баҳсида

ТАНАФФУС ТАФСИЛОТЛАРИ

Маълумки, Каспаров ҳам, Карпов ҳам бир қанча ёрдамчилари билан биргаликликда Нью-Йоркка келишган. Дастлабки учрашувлар Карповга нисбатан айтилган фикрларда муайян камчиликлар борлигини кўрсатмоқда. Бу айниқса, илк марта қўлланган усулларда дона суриш ва уларнинг чуқур талқини бобида намоён бўлмоқда. Бўлмаса, Карпов иккита оқ дона билан аранг дурангга эришиб, бир бор қоралар билан осонгина бой берармиди... Балки мана шу нарса тож талабгори барвақт танаффусга чиқишига сабаб бўлгандир.

Иккинчи ўйиндан мамнун бўлган мухлислар кейингисини сабрсизлик билан кутардилар. Тўрт кунлик танаффусдан сўнг бошланган учинчи ўйинда Карпов яна фарзинни олдидаги пиёдани икки ҳол жилдириш билан бошлади. Яна эски ҳинд ҳимояси юзага келди. Аммо бу сафар тож талабгори бошқача ҳолатни танлади. Янгиликлар қўллашда чаппадастлиги билан ном қозонган Каспаров бу гал ҳам одатини ташлаб, эски ўйинларга ўтиб, ўзини кўрсатмоқда. Шундан сўнг қора сипоҳлар муҳим — мудофаа хоналарини эгаллаб, оқларнинг ўнг қанотини ишга солиб, ўзини кўрсатмоқда. Шундан сўнг қора сипоҳлар муҳим — мудофаа хоналарини эгаллаб, оқларнинг эса биринчи қаторга мажбуран чекинарди. Оқ фарзин хиёл фаолланиши билан қоралар сипоҳи ҳам зарур ҳаракатга келди. Шу пайт Каспаров фарзини эвазига бир фил, бир от ва икки пиёдага эга эди. Карпов одатдаги забардастлигини йўқотган фарзинини қоралар руҳи билан отига бериб, мушкулини осон қилиш йўлини тутди.

Мутахассисларнинг фикрича, жаҳон чемпиони ўттизинчи юришлар атрофида ютиш имкониятларига эга бўлса-да, ўйлаш учун вақтнинг танглиги туфайли устунлигини бироз бериб қўйди. 41-юришга борганда ўйин кечиктирилиб, қоралар яширин йўлни қилди. Бу кўриниш хусусида мутахассислар-нинг фикри турлича эди: бири қоралар ютади деса, иккинчиси оқларники баробар дерди. Аммо соғлом ва пухта таҳлил вазият бироз бўлса-да, Каспаров фойдасига эканини кўрсатарди. Эртасига томонлар яна бир соатдан мўлроқ жанг қилдилар. Имкониятлар батамом қолмагач, 53-юришда дурангга имзо чекдилар.

Ҳарифлар тўртинчи бор бир-бирларига рўбарў бўлган куни ҳам испанча ўйин танланди. Иккинчи учрашувда янгича усул қўллаб, қақшатғич зарбага учраган тож талабгори нега шундай қилди экан? Баҳс низомига кўра пировардида камида бир очко устунлик билан ғалабага эришган тақдирдагина Карпов чемпион бўла олади. Ҳозир эса бир очко ортда боряпти, демак, унга икки очко керак. Шуни ҳисобга олган Карповга шиддатни оширишдан ўзга илож йўқ. Испанча ўйиннинг кўп таҳлилдан ўтказилган ҳолатида шахобчалар талайгина. Оқларнинг 15-юришидан сўнг 1986 йилги баҳсда учраган ҳолат юзага келди. Карпов шу ерда бошқа йўлни танлади. 22-юришдан кейин содир бўлган ҳолат ҳам назариётчиларга маълум. Худди шу ерда Карпов қилган юриш янгилик деб топилди. Оқ доналарни бошқарган Каспаров бир пиёдасини, сўнгра иккинчисини қурбон қилгач, кескинлик авжга минди. Одатда бундай қурбонларни ҳазм қилиш осон эмас. Карпов ўйлаш учун вақт зиқлигидан ҳимоя чораларини танлади. Лекин кечиктирилган ҳолатда у моддий устунликка эга бўлган бўлса-да, «кишти» қойим йўли билан дуранг қилиш имкониятига эга бўлди.

Г. Каспаров бешинчи ўйин олдидан танаффус олди. Ҳисоб унинг фойдасига — 2,5:1,5.

М. МУҲИДДИНОВ,
халқаро ҳакам.

22 октябрь, душанба

УзТ-I. 18.05 Янгиликлар. 18.10 Мультфильмлар тўплами. 18.40 Болалар учун. «Мўйқалам сеҳри». 19.10 Яхшидан боғ қолади. 19.30 Ахборот. 19.50 Т. Жалилов номидаги халқ чолғу асбоблари оркестри. 20.30 Ахборот. 20.50 «Ёшлик оқшоми». 21.30 Время. 22.00 Унутилмас сатрлар. Хўжа Аҳмад Яссавий. 23.15 «36-80» квадратдаги ҳодиса». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 19.05 «Ассалому алайкум». 20.05 Бозор иқтисодиёти муаммолари. 20.40 Кўрсатув ўтди, нима ўзгарди? 21.25 Тижорат хабарлари.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 «Америка фожиаси». Бадиий фильм, 1-серия. 10.10 Мультфильмлар. 10.45 Футбол шарҳи. 11.15 Делегатскаядаги музей. 11.50 Ҳайвонот оламида. 12.50 Коллаж. 13.00 Время. 16.00 Ҳужжатли фильм. 16.30 Концерт. 16.55 Объектив. 17.30 Болалар соати. 18.30 Ёзувчи Н. Островский ҳаёти ва ижоди. 19.00 Время. 19.30 Бозор: Германияда у қандай амалга оширилмоқда. 20.15 «Америка фожиаси». Бадиий фильм, 1-серия. 21.30 Время. 22.00 Коллаж. 22.05 Футбол шарҳи. 22.35 Ч. Айтматов. «Кунда», фильм спектакль. 00.50 ТСН.

МТ-II. 9.00 Бадантарбия. 9.15 Мультфильм. Илмий-оммабоп фильм. 9.35 ва 10.35 Физика. 10.05 Итальян тили. 11.05 Онам, дадам ва мен. 11.35 ва 12.40 Биология. 11.55 Педагогика ҳамма учун. 13.00 Такрорий телефильмлар сеанси. 14.10 «Чори Аширов». Ҳужжатли фильм. 17.30 Баскетбол. Халқаро турнир. 18.10 Касаба уюшма ўзгариб бораётган жамиятда. 19.00 Время. 19.30 Концерт. 20.30 Хайрли тун, кичкинтойлар! 20.45 «Ўлик пуллар». Ҳужжатли фильм.

23 октябрь, сешанба

УзТВ-I. 11.30 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 12.00 «Санъатим чашмаси». Телефильм. 12.40 Такрорий фильмлар экрани. «Улуғбек юлдузи». Бадиий фильм. 18.05 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.20 Болалар учун. «Минг бир ҳикмат». 19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.30 Ахборот. 19.50 Куз хаёллари. 20.15 Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Кенгашида. 20.30 Ахборот. 20.50 Камолот сари. Шамсиддин Юсупов, Раъно Бўронова. 21.30 Время. 22.00 «Зўр ўтирибмиз». Кинокомедия.

УзТВ-II. 19.05 Тарихий обидалар. Зангиота мақбараси. 19.30 Медео сардорлари. Телефильм. 19.45 «Обуна—91». Бевосита мулоқот. 20.50 Телефильм. 21.00 Тижорат хабарлари. 21.30 Время. 22.00 «Кўҳи баланд». Айний ноҳияси.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.00 «Америка фожиаси». Бадиий фильм, 2-серия. 10.10 Мультфильм. 10.30 Саёҳатчилар клуби. 11.30 Бу бўлган... бўлганди. 11.50 Болалар соати. 12.50 Коллаж. 13.00 Время. 16.00 Мультфильмлар. 16.30 «Махфий фарватер». Бадиий фильм, 1-серия. 17.35 Илмий хабарнома. 18.20 Останкино концерт студиясида. 19.05 Инсон ва қонун. 20.20 «Америка фожиаси». Бадиий фильм, 2-серия. 21.30 Время. 22.00 Долзарб интервью. 22.10 Шахмат бўйича жаҳон чемпионатида. 22.35 Россиянинг парламент хабарномаси. 22.50 «Сўз» адабий-бадиий программа. 00.50 ТСН.

МТ-II. 9.00 Бадантарбия. 9.15 Илмий-оммабоп фильмлар. 9.35 ва 10.35 Француз тили. 11.35 ва 12.35 Тарих. 12.05 Бирлашиш ҳаракати уйғунлиги йўлида. 13.05 «Милиция сержанти». Бадиий фильм, 1-серия. 14.10 Аэробика. 15.10 Такрорий телефильмлар. «Ботқоқликдаги кишилар». Полесье воқеаси». Бадиий фильм, 5-серия. 17.30 Баскетбол. Халқаро турнир.

24 октябрь, чоршанба

УзТВ-I. 11.30 Ўзбекистон халқлари тарихи. Ўзбекистонда ер-сув ислоҳоти. 12.00 Қаҳрамон Дадаев. Фильм-концерт. 12.30 «36—80» квадратдаги ҳодиса». Бадиий фильм. 18.05 Янгиликлар. 18.10 Мультфильм. 18.15 «Фанга бағишланган умр». Профессор Аюб Ғуломов. 18.50 Элга хизмат; талаб ва таклиф. 19.30 Ахборот. 19.50 «Бобурнома». Асар яратилганлигининг 460 йиллигига. 20.30 Ахборот. 20.50 «Севаман олтин кўз». Мусиқий кўрсатув. 21.30 Время. 21.55 Ижод саҳифалари. Жуманиёз Жабборов. 23.00 «Наврўз—90». Ўрта Осиё ва Қозғистон жумҳуриятлари театрларининг фестивалига доир.

УзТВ-II. 19.05 «Асрлар оша». Бобур. 19.35 Тошкенбоевлар сулоласи. Телефильм. 20.00 «Тошкент» хабарлари. 20.10 «Безнен мирас» (татар тилида). 20.50 Дўстлик тароналари. **Душанбе.** 21.30 Время. 22.00 Пахтакорлар учун кўрсатув. 22.50 «Ҳур қизлар». Бадиий фильм, 1-серия.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.00 «Америка фожиаси». Бадиий фильм, 3-серия. 10.15 Останкино концерт студиясида. 11.00 «Сўз». Абадий-бадиий программа. 13.00 Время. 16.00 «Махфий фарватер». Бадиий фильм, 2-серия. 17.10 Мусиқий хазина. 17.50 Болалар соати. 18.50 Мультфильм. 19.00 Время. 19.30 Янгиланаётган жамиятда тарихий хотира. Давра суҳбати. 20.15 «Америка фожиаси». Бадиий фильм, 3-серия. 21.30 Время. 21.55 Эфирда мусиқа. 22.55 ТСН.

МТ-II. 9.00 Бадантарбия. 9.15 Илмий-оммабоп фильмлар. 9.35 ва 10.35 Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари. 10.05 ва 11.05 Немис тили. 11.35 ва 12.35 Умумий биология. 12.05 Библиофика. 13.05 «Милиция сержанти». Бадиий фильм, 3-серия. 14.10 Концерт. 14.50 Такрорий телефильмлар сеанси. «Ботқоқликдаги кишилар, Полесье воқеаси». Бадиий фильм, 6-серия. 15.55 Ҳужжатли фильм. 17.30 Мультфильм. 17.40 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. 18.10 Сизга қўшиқ куйлаб берайин. 18.35 Коллаж. 18.40 Иттифоқдош жумҳуриятлар кинопублицистикаси. 19.00 Время. 19.30 Мультфильм.

ТВ: ҲАФТАЛИК ПРОГРАММА

25 октябрь, пайшанба

УзТВ-I. 11.30 Советлар мамлакатининг кишилари. Кинопрограмма. 12.30 «Жонли камалак». Бадиий фильм. 17.00 Футбол. «Пахтакор» — «Локомотив» (Нижний Новгород). 18.50 Тижорат хабарлари. 18.55 Алифбо сабоқлари. 19.30 Ахборот. 19.50 Тиббиёт атамалари. 20.30 Ахборот. 20.50 «Дил номалари». Мусиқий кўрсатув. 21.30 Время. 22.00 Оила. 23.05 «Салом ва хайр». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 19.05 Ҳаво ва сув қачонгача заҳарланади. Қўшма рейд. 19.55 «Қалтис қўниш». Бадиий фильм. 21.05 Автомобиль транспорти ходимлари куни. 21.15 Кичик концерт. **Душанбе.** 21.30 Время. 22.00 «Мусиқий гулдаста». Қўлоб ноҳияси санъаткорлари. 23.00 «Ҳур қизлар». Бадиий фильм, 2-серия.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 «Америка фожиаси». Бадиий фильм, 4-серия. 10.20 Футбол Европа кубоклари. 12.50 Коллаж. 13.00 Время. 16.00 Концерт. 16.15 «Махфий фарватер». Бадиий фильм, 3-серия. 17.25 Агар сиз... 18.10 Ҳужжатли фильм. 19.00 Время. 19.30 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 20.15 «Америка фожиаси». Бадиий фильм, 4-серия. 21.30 Время. 22.00 Шахмат бўйича жаҳон чемпионатида. 22.15 Футбол. Европа кубоклари. 00.55 ТСН.

МТ-II. 9.00 Бадантарбия. 9.15 Илмий-оммабоп фильмлар. 9.35 ва 10.35 Мусиқа. 10.05 ва 11.05 Испан тили. 11.35 ва 12.35 Адабиёт. 12.05 Рус тили. 13.05 «Милиция сержанти». Бадиий фильм, 3-серия. 14.10 Аэробика. 15.10 Такрорий телефильмлар сеанси. «Ботқоқликдаги кишилар». Полесье воқеаси». Бадиий фильм, 7-серия.

26 октябрь, жума

УзТВ-I. 11.30 Ботаника. 12.00 «Городецк ўйинчоқлари», «Энг жанубий». Телефильмлар. 12.30 «Қизил қор ёққанда». Бадиий фильм. 18.05 Янгиликлар. 18.10 Мультконцерт. 18.40 Саноатимиз одимлари. Такомиллаштирилган пахта териш машинаси. 19.20 Тижорат хабарлари. 19.30 Ахборот. 19.50 «Санъат» муштарийларга. 20.10 Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши сессияси олдидан. 20.30 Ахборот. 20.50 Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллиги олдидан. Навоий гулшани. 21.30 Время. 22.00 «Санъат усталари». Ўзбекистон ССЖ халқ ҳофизи Очилхон Отахонов. 23.15 «Қамоқ муддати ўтгунгача». Бадиий фильм.

УзТВ-II. 19.05 «Тошкент» студияси кўрсатади. Бугун оқшомда. 20.00 Пульс. Информацион кўрсатув. 20.10 «Бугун оқшомда» кўрсатувининг давоми. **Душанбе.** 21.30 Время. 22.00 Пахтакорлар учун кўрсатув. 22.50 Тожикистон ССЖ халқ артисти Муслима Боқиева.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.00 ...16 ёшгача ва ундан катталар. 9.45 Мультфильм. 10.15 Инсон ва қонун. 11.30 Концерт. 11.50 Болалар соати. 12.50 Коллаж. 13.00 Время. 16.00 Мультфильм. 16.30 «Маҳфий фарватер». Бадиий фильм, 4-серия. 17.40 Концерт. 17.55 Австрия учрашувлари. 18.55 Шеърият лаҳзалари. 19.00 Время. 19.30 Ҳужжатли фильм. 20.10 В. Прокушова куйлайди. 20.30 «Мўъжизалар даласи». Капитал-шоу. 21.30 Время. 22.00 ССЖИ Ички ишлар вазирлиги маълумотлари. 22.15 Бу бўлган... бўлганди. 22.35 Коллаж. 22.40 ВИД программаси. 01.40 ТСН.

МТ-II. 9.00 Бадантарбия. 9.15 ва 10.25 Илмий-оммабоп фильмлар. 9.35 ва 10.45 Тарих. 9.55 Инглиз тили. 11.05 Инглиз тили. 11.35 ва 12.35 Тарих. 12.05 Ҳужжатли фильм.

27 октябрь, шанба

УзТВ-I. 8.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий кўрсатув. 9.00 «Доктор Жекил ва жаноб Хайднинг ўтмишлари». Бадиий фильм. 10.30 Оналар мактаби. 11.00 Эркин Воҳидов. «Руҳлар исёни». Адабий театр. 11.55 Давра суҳбати. Жамиятшуносларнинг Бутуниттифоқ кенгаши иштирокчилари. 12.35 Чорраҳа. 13.35 «Шўртоннинг ўничи баҳори». 13.45 Диққат, ёнгин! 18.05 Мультфильм. 18.15 Ўсмирлар учун. «Тенгдошлар». 19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.30 Ахборот. 19.45 Дил тароналари. Мусиқий кўрсатув. 20.15 Оқшом эртаклари. 20.30 Ҳафтанома. 21.30 Время. 22.00 Ш. Бошбеков «Темир хотин». Фарғона вилояти ўзбек давлат мусиқий театри спектакли.

УзТВ II. Душанбе. 9.00 Савту калом. 9.55 «Хаюлло». Спектакль. 11.00 Кинопрограмма. 12.30 «Гаюровлар оилавий иши». Бадиий фильм, 1-серия. 18.05 Болаларга мусиқа ҳақида. 18.45 Мультфильм. 19.00 Новости. 19.20 «Шифо». Тележурнал. 20.00 «Хивача ажрим». Фильм-концерт. 20.30 Ахбор. 20.50 Забони мо—жаҳони мо. 21.30 Время. 22.00 Ворисони «Пашмақом» конкурс программаси. 23.00 «Гаюровлар оилавий иши». Бадиий фильм. 1-серия.

МТ-I. 7.00 «120 минут». 9.05 Онам, дадам ва мен. 9.35 Мультфильмлар. 10.00 Бурда моден. 10.30 Йил фасллари. Октябрь. 11.30 Тижорат хабарномаси. 12.00 Режиссёр Б. Кимёгаров фильмлари, «Рустам ва Суҳроб». 13.35 Фотоконкурс. 13.40 Японияннинг анъанавий камер мусиқаси. 14.30 Мўъжизасиз-мўъжизалар. 15.30 Сеҳргарнинг намойиши. 16.10 Ким аслида ким? Сиёсий мулоқотлар. 17.00 Останкино концерт студиясида. 19.10 Халқаро панорама. 19.55 «Маррадан ўтиш учун». Бадиий фильм, 1-серия. 21.30 Время. 22.00 СССР ҳукуматида. 22.10 Россиянинг парламент хабарномаси. 22.25 «Маррадан ўтиш учун». Бадиий фильм, 2-серия. 23.55 Шахмат бўйича жаҳон чемпионатида. 00.10 Валерий Леонтьев. «Сен билан бирга кетай». 01.20 ТСН. 01.35 «Супер модель — 90».

28 октябрь, якшанба

УзТВ-I. 8.00 Ҳафтанома. 9.00 «Ҳамёнда қуёш». Бадиий фильм. 10.10 Депутат минбари. ЎзССЖ Олий Кенгаши сессияси олдидан. 10.30 Ҳужжатли экран. 11.10 Алифбо сабоқлари. 11.45 Халқ ижодиёти. 12.45 Йўлингиз бехатар бўлсин. Тошкент шаҳар юк ташиш транспорти концерни. 17.00 Футбол. СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Факел» (Воронеж). 18.50 Кичкинтой программаси. 19.30 Ахборот. 19.50 Оламга саёҳат. 20.30 Ахборот. 20.50 «Анор». Ашула ва рақс қўсамбли. 21.30 Время. 22.00 «Егоналар бу ерда юрмайди». Бадиий фильм.

УзТВ-II. Душанбе. 9.00 Сапела. 10.05 Рекламма. 10.15 Қўноқ спорт ўйинлари. 11.15 Кинопрограмма. 12.40 «Гаюровлар оилавий иши». Бадиий фильм, 2-серия. 18.05 «Гаюровлар оилавий иши». Бадиий фильм, 2-серия. 19.10 Мультфильм. 19.30 Адабий-публицистик кўрсатув. 21.30 Время. 22.00 Адабий-публицистик кўрсатув.

МТ-I. 8.30 Спорт ҳамма учун. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 Спортлото тиражи. 9.30 Эрта саҳарлаб. 10.30 Ватан хизматида. 11.30 Тонгги дам олиш программаси. 12.00 Дунё бўйлаб. 13.00 Здоровье. 13.45 Ҳужжатли фильм. 14.00 Сиёсий мулоқотлар. 14.30 Телевикторина. 14.45 Таиланд. 15.30 Концерт. 16.55 Ҳужжатли фильм. 17.05 Москва — Сиэтл. 17.25 Қишлоқ янгиликлари. 18.40 Марафон — 15. 20.10 «Жарликлар». Бадиий фильм, 1-серия. 21.30 Время. 22.00 Оддий ва мангулик ҳақида. 22.15 Концерт. 22.35 «Маппет-шоу». Кўгирчоқфильм-концерт. 7. ва 8-сериялар. 23.20 Жаз портретлари.

Муҳаррир
Р. РАҲМОНОВ.